Mustahkam oila – yurt tayanchi

# OILA DAVRASIDA

№ 1-2
(399-400)
2020 - yil
5 - mart
payshanba

www.od-press.uz

Ijtimoiy-siyosiy, ma`naviy-ma`rifiy gazeta

Gazeta 2012-yil may oyidan chiqa boshlagan.




## УШБУ СОНДА



**НОМУССИЗЛИК ЭПИДЕМИЯМИ?**
Эшқобил ШУКУРга мактуб

3-бет



**ГРАНТ КВОТАЛАРИ**
икки баробар ошади

4-бет



**ПАХТА НАРХИНИ**
бозор белгилайди

5-бет



**ҚИЗИНГИЗ ҚАЛБИга**
қулоқ тутинг

10-бет



**ФАРЗАНДЛАР ОРАСИДА**
адолат керакми?

13-бет



«Оила даврасида» газетаси
яна хонадонингиз меҳмони!




УЙИНГИЗГА БОРИБ ОБУНА ҚИЛАМИЗ!
Тел.: 98 198-98-99
71 233-70-70

«Оила даврасида» бу — ўз фикрингиз, мулоҳазангиз, муносабатингиз билан чиқишингиз мумкин бўлган эркин минбар!

ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА!




«O'ZDAVKITOBSAVDOTA'MINOTI»
Манзил: Тошкент шаҳар Навоий кўчаси 30-уй
Tel.: (+998 71) 244-19-65 (+998 71) 244-19-91

Энг сара китоблар ассортименти

# ЯНГИ КУН, ЯНГИ ДАВРОНИНГ МУБОРАК!

**Яқинлашиб келаётган Наврўз умумхалқ байрами мамлакатимизда қандай шиор остида нишонланиши белгиланди**

Президентимиз томонидан "2020 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарор имзоланди. Ҳужжатда қайд этилишича, янгиланиш ва яшариш айёми жойларда умумхалқ сайиллари шаклида юқори савияда нишонланади. Байрам концепцияси ва дастури **"Наврўзинг — янги кун, янги давронинг муборак, жонажон Ўзбекистоним!" деган бош ғояни ўзида мужассам этади.**

Ҳа, халқимиз миллий юксалиш ва миллий тараққиётнинг янги босқичига қадам қўйган ҳозирги вақтда барча эзгу қадрият ва анъаналаримиз қатори Наврўз байрамининг ҳам ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Айниқса, ушбу қадимий байрамнинг руҳи ва фалсафасида мужассам бўлган яшариш ва янгиланиш, яхшилик ва бағрикенглик, табиатни асраб-авайлаб, доимо у билан уйғун бўлиб яшаш каби ўлмас ғоялар бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг асосий мақсади ва маъно-мазмунига ғоят ҳамоҳанг эканини таъкидлаш лозим.

Ҳужжатда қайд этилганидек, халқимиз асрлар давомида катта шоду хуррамлик билан нишонлаб келаётган, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан халқаро байрам сифатида белгиланган Наврўзи олам янги Ўзбекистоннинг демократик қиёфаси, обрў-эътибори ва нуфузига ҳар томонлама муносиб тарзда ўтказилади.

Наврўз байрамини Тошкент шаҳрида, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларида, шунингдек, барча шаҳар ва туманлар, қишлоқ ва овулларда умумхалқ сайиллари шаклида юқори савияда нишонлаш бўйича ташкилий-амалий, маданий-маънавий ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари амалга оширилади.

Байрам тадбирларини том маънода умумхалқ сайли ва шодиёнаси сифатида ўтказишга, уларда кенг халқ оммасининг фаол иштирок этишига алоҳида эътибор қаратилади.

Наврўз кунларида инсон ва табиат ўртасидаги уйғунлик, она заминга меҳр ва эътибор яққол ўз ифодасини топади. Шунга ҳамоҳанг равишда бугунги тинч ҳаётни қадрлаб, шукроналик туйғуси билан яшашга даъват этадиган маънавий-маърифий тадбирлар уюштирилади.

Ободлик ва фаровонлик рамзи бўлмиш Наврўз байрами арафасида шаҳар ва қишлоқларда, маҳаллаларда умумхалқ ҳашарлари, кенг қамровли ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишлари ташкил этилади. Тадбирлар бўлиб ўтадиган жойларда ҳунармандчилик кўргазмалари, китоб расталари, кўчма савдо дўконлари, кўклам таомларини тайёрлаш ва уларнинг савдоси ташкил қилинади. Жойларда бўлиб ўтадиган умумхалқ сайилларига маҳаллий фольклор гуруҳлари, бадиий ҳаваскорлик жамоалари, цирк санъати вакиллари, оилавий ансамбллар, бахшилар, шоирлар, шунингдек, профессионал ижрочилар ва истеъдодли эстрада артистлари кенг жалб этилади. Байрам тадбирлари доирасида ҳар бир ҳудудга хос бўлган халқ ўйинлари, томошалар, кўргазмалар ва мусобақалар ўтказилади.

# ИМОМ МОТУРИДИЙ ҒОЯСИНИНГ КУЧИ

**Самарқандда ўтган нуфузли халқаро анжуман муҳокамасида бўлди**

**Самарқанд шаҳридаги Форумлар саройида "Имом Абу Мансур Мотуридий ва мотуридия таълимоти: ўтмиш ва бугун" мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди.**

Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон Мусулмонлари идораси, Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси маркази ва Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Фанлар академияси ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар иштирокида Мисрдаги Ал-Азҳар мажмуаси билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур нуфузли тадбирда 20 га яқин мамлакатлардан 70 га яқин уламолар, исломшунос олимлар, нуфузли таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот марказлари раҳбарлари ўз маърузалари билан иштирок этди.

Халқаро конференцияда Ал-Азҳар мажмуаси раҳбари, Миср Бош имоми Шайх Аҳмад Таййиб иштирок этди ва маъруза қилди. У ўз маърузасида Имом Мотуридий илмий-маънавий меросини ўрганиш бугунги глобаллашув даврида муҳим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлади. Шунингдек, анжуман доирасида Шайх Аҳмад Таййибга Самарқанд шаҳрининг фахрий фуқароси унвони берилди.

Тадбирда мамлакатимизда сўнгги йилларда асрий анъана ва қадриятларимизни асраб-авайлаш ва келажак авлодларга етказиш, эътиқод эркинлигини таъминлаш, хусусан, эзгулик ва яхшиликка асосланган ислом динининг асл моҳиятини тарғиб қилиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди.

Ислом дини ривожида беқиёс ўрин эгаллайдиган Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтаётган мазкур анжуманда муҳокама этиладиган мавзулар исломнинг асл моҳиятини тарғиб этишда муҳим аҳамият касб этиши, конференция якуни бўйича қабул қилинадиган ҳужжатлар эса ислом маданияти ва цивилизациясини янада тараққий эттиришга хизмат қилиши қайд этилди.

Имом Мотуридийнинг бой илмий мероси, ибратли ҳаёт йўли билан боғлиқ ўрганилмаган жиҳатларни тадқиқ этиш, алломанинг асарларидаги инсонпарварлик, бағрикенглик ҳамда адашган тоифаларга қарши раддия бериш борасидаги қимматли маълумотлар айтилди. Ушбу йўналишда ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш масаласига алоҳида урғу берилди.

Иштирокчилар Имом Мотуридий ва Имом Бухорий ёдгорлик мажмуаларини зиёрат қилди ва Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Ҳадис илми мактаби фаолияти билан яқиндан танишди. Шунингдек, қадим Самарқанднинг диққатга сазовор жойларини ҳам томоша қилиш имконига эга бўлдилар, дея хабар берди Дин ишлари бўйича қўмита матбуот хизмати.

**8 МАРТ — ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ**

**Аёл — оиламиз кўрки, қувончи, файзу фариштаси, хонадонларимиз чароғбони, умуман айтганда, жамиятнинг фаол аъзоси сифатида ҳамиша эъзозда ва эътиборда. Оилада ўзаро ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат туйғуларини мустаҳкамлашда уларнинг ҳиссаси беқиёс.**

# СИЁСАТ МАЙДОНИДА ҲАМ ФАОЛ



Мамлакатимизда опа-сингилларимизнинг жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлаш, оиладаги нуфузини юксалтириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Уларнинг манфаатлари қонунларда акс этаётгани, шунингдек, бу борадаги ҳуқуқий асоснинг такомиллаштирилиб борилаётгани эътиборга молик.

Эътироф этиш керак, сўнгги уч йилда юртимизда гендер тенгликни таъминлаш ва жамиятнинг сиёсий ҳаётида хотин-қизларнинг ролини оширишга қаратилган давлат сиёсати изчил рўёбга чиқарилмоқда. Олиб борилаётган амалий ишлар натижасида сайлов жараёнида аёлларнинг иштироки бўйича сезиларли ютуқларга эришилганини кўриш мумкин.

Хусусан, ўтган йили рўйхатга олинган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларнинг 42,1 фоизини аёллар ташкил этиб, сайловлар натижаларига кўра, 48 нафар аёл депутат этиб сайланди (32 фоиз). Бу кўрсаткич 2014 йилдагига нисбатан икки баравар кўпдир. Шу рақамнинг ўзиёқ мамлакатимизда хотин-қизларга кўрсатилаётган эътибор ва имконият катта эканини кўрсатади. Бинобарин, Сайлов кодексига мувофиқ, аёлларнинг сони сиёсий партиядан кўрсатилган депутатликка номзодлар умумий сонининг камида ўттиз фоизини ташкил этиши кераклиги белгиланган.

Парламентда, умуман, сиёсат майдонида аёллар иштироки кенгаяётганининг муҳим жиҳатлари бор. Аввало, бу халқчил қонунларнинг яратилишига, ҳуқуқий ҳужжатларда хотин-қизлар ва оилалар масалалари устуворлиги таъминланишига хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбарининг куни кеча қабул қилинган Фармони билан тасдиқланган 2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастурида ҳам аёллар масаласига оид вазифалар алоҳида белгилангани диққатга сазовор. Чунончи, унга мувофиқ, касбга ўқиш истагини билдирган ёлғиз ва кўп болали аёллар учун кундалик ҳаётда эҳтиёж юқори бўлган соҳалар, хусусан, тикувчилик, пазандалик, сартарошлик ва бошқа йўналишлар бўйича касбга ўргатиш курсларини ташкил этиш чоралари кўрилади. Албатта, бу оилалар фаровонлигини таъминлаш, опа-сингилларимиз имкониятларини қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамият касб этади.

Ўз навбатида, биз, депутатлар жойлардаги учрашувларимизда хотин-қизлар масаласига янада жиддий эътибор қаратишимиз лозим. Уларнинг ҳаёти, оиласи билан танишишимиз, қийнаётган муаммоларини ўрганишимиз керак. Шундагина аёл бахтли бўлса, оила мустаҳкам бўлади, деган эзгу мақсадга эришамиз.

**Мухтабар ҲУСАНОВА,**
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

*Ассалому алайкум, Эшқобил ака! Куни кеча "XXI аср" газетасида ва унинг сайтида эълон қилинган мақолангизни ўқиб, баъзи мулоҳазаларимни билдиришга жазм этдим. Аввало, бироз жўнроқ бу фикрларим, тўмтоқ гапларим учун мени маъзур тутасиз деб ўйлайман.*

# КАТТА ГУЛХАННИ ЎЧИРИШГА ОҒИЗДА СУВ БИЛАН...

**«Элсизлик бу – йўлсизликдир» сарлавҳали мақоласи, «Мен» ва «Биз» оралиғидаги мулоҳазалари юзасидан Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, устозимиз Эшқобил ШУКУРга мактуб**

Мақолангизда кўтарилган масалаларни, юрагингиз тубидан чиққани яққол кўриниб турган бу дардларни шунчаки ўқиб ўтиб кетишнинг иложи бўлмади. Сизнинг ҳайқирингиз (ҳа, мақолангиз эмас, айнан ҳайқириғингиз) бутун элнинг, аллақачон илдиз отишни бошлаган бугун ва эртамизнинг аянчли муаммосидир.

Аввало, эътиборимни тортган бир жиҳат. Мақола газетада, сўнгра унинг сайтида эълон қилинди, ижтимоий тармоқларга ҳам қўйилди. Аммо нима учун ҳозирги тилда айтганда "хайп" бўлмади, "тренд"га чиқмади? Нари борса, 15-20 киши "лайк" босиш билан "ўқиб" ўтиб кетди. Нима учун телеграмдаги машҳур каналларда "айланмади", таниқли блогерлар мақола ҳақида лом-мим дейишмади? Нима учун бирорта вазир ёки амалдор ўзининг икки энлик муносабатини билдирмади?

Назаримда, бунинг сабаби оддий. Эшқобил ака, сиз бирорта ҳоким ёки битта-иккита амалдорнинг ёхуд ўқитувчинингми хатосини кўрсатмадингиз-да. Бирорта кишининг исм-фамилиясини ҳам келтирмабсиз. Бутун элга дахлдор бир дардни бор бўй-басти билан айтиб қўя қолибсиз. Ҳеч кимнинг номи келтирилмаган, хато қилган одам аниқ кўрсатилмаган мақолани "хайп" қилишдан, муносабат билдиришдан ахир кимга нима наф?!

**Бундан ҳеч қандай машҳурлик келмайди ахир. Аксинча, бир "маънавиятчи"га фикрдош бўлиб кулгига қолиш ҳеч гап эмас...**

Аслида энг катта фожиамиз мана шу, назаримда.

Бугун ҳамма бир сеҳрли сўз ва ажойиб қурол билан қуролланган. Қуроли — телефон, сеҳрли сўзи — "интернетга чиқариб юбораман..." Бугун аёлу эркак ҳам, раҳбару ходим ҳам ундан бирдек қўрқади. "Нима бўлса ҳам интернетга чиқиб кетмайлик", дейди. Менимча, улар интернетга чиқиб кетса, шармандa бўлишидан уялиб эмас, кингирликларидан "катталар" хабар топиб қолишидан чўчиб айтишади бу гапни. Нима бўлганда ҳам исталган муаммо интернетда бир "тренд"га айлантирилса бўлди — ўша масала ҳал-да! Уй ёки кредит берилмаётган бўлса берилади, пенсияси кам чиқаётган бўлса кўпайтирилади, битта қудуқнинг оғзи ланг очиқ тургани айтилса, дарров қопқоқ топиб қўйилади. Минг афсуски, бугун муаммоларга мана шундай — битта-битталаб қарши курашяпмиз, ечяпмиз. Энг ачинарлиси, бундай шамойил муаммони кўтариб чиқувчиларга ҳам, унга дахлдор раҳбарларга ҳам жуда қулай бўлаётганидир. Ана шунинг учун ҳам битта нарсани топиб тинмай "хайп" қилиш ёки бир бино жойига бир дона ғишт қўйиб, катта иморат қургандек ўзини кўз-кўз қилаётганларни, сиз айтгандек, фожиа устида стриптиз тушаётганларга ўхшатиш мумкин, бемалол.

Бугун ҳамма қандайдир беҳаловат, жонсаракдек туюлаверади менга. Ким билан гаплашманг ҳамма кўпроқ пул топиши кераклиги, уй-жой қурмоқчи экани ёки яна битта уй олиб қўймоқчилиги... хуллас, аксар ҳолларда молдунё ташвишларини айтади. Ҳеч нарсага вақти етишмаётганидан нолийди. Агар "Охирги марта қачон фарзандларингиз даврасида бирор яхши китобни ўқиб чиқиб муҳокама қилгансиз?" ёки "Қачон оилангиз даврасини мазмунли қилиб дилдан суҳбатлашдингиз?", дея сўрасангиз аксарияти умуман жавоб бера олмаслиги тайин. Мана шунинг ўзи бугун ҳамма нарсага юзаки қараётганимиз, китобни ҳам, қайсидир нашрда эълон қилинган яхши мақолани ҳам ўқимасдан шунчаки кўз югуртириб қўя қолаётганимиз далили эмасми? Булар-ку майли, фарзандларимиз тарбиясини, оилада оталарнинг ўрнини ана шу юзакилик туфайли бой бериб қўймаяпмизми? Оиланинг муқаддаслигига путур етаётгани, сиз айтганингиздек, ёшларнинг "мен"ини мустаҳкамлаб, ҳамма нарсага уларнинг кўзини ўргатиб қўяётганимиз натижаси эмасми?

Кинонинг нақадар катта куч экани ҳақида айни ҳақиқатни ёзибсиз. Шу ўринда, грузин киноижодкорлари томонидан анча йиллар олдин ишланган "Мовий тоғлар ёки ҳақиқатдан узоқ воқеа" номли фильмни кўргансиз, албатта. Афсуски, бугун биз ҳам ана шу фильмдаги каби фақат сарлавҳани ўқиш ва уни муҳокама қилишдан нарига ўтмаяпмиз, шекилли.

Китоб ўқишга давлат даражасида эътибор кучайди. Китоб ўқиганлар танловларда иштирок этиб, ҳатто автомашина ютиб олишмоқда. Афсуски, танлов жараёнини телевизор орқали кўриб, оғриқли бир ҳақиқатни уйладим. Бундай юксак эътибор ва рағбат фарзандларимизни китобни шунчаки ёдловчига маълум бир китоблар сюжетини шариллатиб айтиб берадиган "тўтиқуш китобхон"ларга айлантириб қўймаслиги керак. Аксинча, кундалик мутолаани таfaнний равишда қалб амрига айлантиришлари учун кучли турткu бўлиши шарт. Шундагина ҳар бир ёш китобхон оилада ёзувчи нима демоқчилиги, ҳар бир китоб моҳиятида қандай ғоя ётгани ҳақида бемалол фикр билдира олади.

Мана шундай юзакилик, шакл-шамойилга ўчлик, бизни азалий тутумларимиздан йироқлаштирмаяптими, маънавий бошпанамиз бўлган кўрғонни емирмаяптими, деб ўйлаб қолдим. Чунки биз ўзимизни ҳам мана шундай юзаки яшаш, ҳаётга юзаки қарашга кўниктирдик. Жуда майдалашиб кетдик. Кўтараётган, муҳокамага олиб чиқаётган масалаларимиз ҳам тобора майдалашиб боряпти. Хотин пичоқ ўқталиб эрни уйдан кет деса, эр эса буни тасвирга олиб бутун оламга жар солиб тарқатса — бу энг оғир фожиа-ку?

Номус — ўлимдан қаттиқ дейишган ота-боболаримиз. Бу ё номусни йўқотиш ёки ўлим танловига рўбарў келганда, ҳеч иккиланмай ўлимни танлаш деганидир. Ахир зиндонда ётган Алпомиш нима бўлса ҳам қутулиб кетиши эмас, дўсти Қоражон эрта бир кун яхшилигини юзига соладиган бўлса, қандай аҳволга тушишини ўйлаб арқонни кесиб юборади-ку. Ўз номусининг ҳимояси бундан ортиқ бўлмаса керак.

Сиз тўғри айтдингиз, номуссизлик бугун оддий бир ҳолатга, чидаса бўладиган, кўникса бўладиган ҳолатга айланяпти. Баъзида кап-катта одамларнинг қилаётган ишини, ҳеч бир қолипга сиғмайдиган қилиқларини кўриб шуларга элдош бўлганингдан уялибгина кетасан киши. Уч-тўрт сўм пул учун ялонғоч ҳолда кўча айланганларнинг "эркак деб" бўладими ўзи? Энг даҳшатли томони ана шу кимсаларни ҳам шу жамият вояга етказяпти, шулар ҳам қайсидир оилада "тарбия" топган.

Ижтимоий тармоқда яқинда устозимиз Узоқ Жўрақулов "Алпомиш" достонидан қизиқ бир саволни муҳокамага ташлади. Афсуски, жавоблар саноқли бўлди. Бу кўпчиликни қизиқтира олмади. Агар ўша ерда "Бугун пайшанба. Ким нимани режа қилмоқда?" деган мазмунда бетайинроқ савол бўлганида, жавоблар юздан ошиб кетиши, унга кўпчилик муносабат билдириши, бундай гурунг бозорини қиздириши аниқ эди.

Ҳа, номус — худди сиз айтганингиздай, соф ва табиий туйғу. Биз бугун соф ақл, соф илм, ҳеч йўқса, инсонниг соф табиати — тийнатидан келиб чиқиб фикрлашни, шунга эътибор қаратишни, шу асосда ҳаракат қилиш ва яшашни унутиб боряпмиз. Фарзанд тарбияси, болаларга илм ўргатиш, оддий ҳаёт тарзимизни ўз руҳиятимизга, минг йиллик қадриятларга асосланган тийнатимизга бутунлай ёт бўлган тутумларга боғлаб қўйишдан нима наф? Балки шунинг учундир муҳтарам олимнинг кўпчиликни соф илмий ўзанга ундамоқ учун қилган ҳаракатига муносабат ҳаминқадар бўлди.

Менинг назаримда, инсоннинг асл инсонийлигини кўрсатувчи бир омил бор. Бу ҳам бўлса, унинг кимдан ёки нимадан қўрқиши. Ҳозир одамлар орасида, жамоатчилик ўртасида гап-сўз бўлишидан ҳамма ҳам ҳайиқмай қолди. Уялиш, номус қилишни-ку бутунлай йиғиштириб қўйганлар қанча.

**Баъзилар ўзлари истаб ўз беҳаёлиги, субутсизлиги, юзсизлиги ва номуссизлигини кенг тарғиб қилишни, аввало, эътибор ва пул топиш манбаи, кейинчалик эса фахр деб тушунадиган бўляпти.**

"Нима бўлибди? Мен шуни хоҳладим! Бошқалар билан нима ишим бор", деган қараш энг катта ва энг хавфли эпидемиядан кўра хатарли бўлиб турибди. Шунинг орқасидан оилада эр ўз мавқеини, хотин ўз даражасини, фарзанд ўз ўрнини буткул йўқотмоқда.

Мақолада ёзганингиздек, дунё, ҳаёт ҳар қанча ўзгармасин, инсон қонининг ранги ва таркиби ўзгармаган. Демак, инсон деб аталмиш мавжудот зиммасига юклатилган инсонийлик миссияси ҳам ўзгармайди. Нима бўлган тақдирда ҳам зиммамиздаги ана шу миссияни унутиб қўймасак бўлгани. Иброҳим алайҳиссаломни қутқариш учун оғизда сув билан катта гулханни ўчириш умидида дадил бораётган чумолининг иши бизга ўрнак бўлиши керак эмасми?

**Ҳусниддин БЕРДИЕВ**


XXI ASR
Ё ҳаёт, ё мамот
Нуқтаи назар
Элсизлик бу — йўлсизликдир
"Мен" ва "Биз" оралиғидаги мулоҳазалар
Эшқобил ШУКУР, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

# ДАВЛАТ ДАСТУРИДА НИМАЛАР

**"2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили"да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида" Президент Фармони имзоланди.**

**Фармони билан Ҳаракатлар стратегиясининг устувор йўналишлари бўйича амалга ошириладиган вазифалар, жорий этиладиган тартиб ва амалиётлар белгиланди.**



**Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш соҳасида:**

● 2020 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати фаолиятида "Электрон парламент" тизими жорий этилади;

● Олий Мажлис Қонунчилик палатасида йил якунига кўра қабул қилинган ҳар бир қонун халқ томонидан қандай баҳолангани ва унинг самарадорлик даражаси мониторинг қилинади;

● 2020 йил 1 июлдан Қонунчилик палатаси мажлисларида давлат органлари ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг қатор масалалар юзасидан ахборотларини мунтазам равишда эшитиш тартиби татбиқ қилинади;

● 2020 йил 1 августдан бошлаб Сенатда Ўзбекистоннинг хорижий давлатлардаги элчиларининг ҳисоботини эшитиш, шунингдек, Сенат кенгаши ва қўмиталарининг сайёр мажлисларини ўтказиш тизими йўлга қўйилади;

● 2020 йил 1 июлга қадар "Mening fikrim" веб-порталининг мобиль иловаси ишга туширилади.

**Тошкентдан уй сотиб олишга доимий прописка талаб қилинмайди**

Фармонга кўра, 2020 йил 1 апрелдан бошлаб Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида кўчмас мулкни олишда Ўзбекистон фуқаролари учун ушбу ҳудудларда доимий пропискага эга бўлиш талаб қилинмайди.

***Шунингдек, Ўзбекистон да доимий яшовчи ва республиканинг бошқа минтақаларида доимий пропискага эга бўлган Ўзбекистон фуқаролари Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидаги янги қурилган уйларда кўчмас мулк харид қилганлик учун давлат божининг алоҳида ставкаси бекор қилинади.***

**Талабаларга контракт пулини 4 га бўлиб тўлаш имкони берилмоқда**

**Фармонга мувофиқ:**

● 2020 йил охирига қадар 6 ёшли болаларни мактабга тайёрлаш тизими жорий этилади, мактабгача таълим билан қамраб олиш даражаси 60 фоизга етказилади;

● 2020 йил 1 сентябрдан бошлаб алоҳида умумтаълим муассасаларида болаларни мактаб фанларига электрон ўқитиш бўйича ахборот тизимлари қоғоз ҳужжатларни бекор қилган ҳолда тажриба тариқасида жорий этилади;

● 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб:

● мактаб ўқитувчиларининг юкламаси мақбуллаштирилади, ОТМларда асосий мутахассисликка алоқаси бўлмаган фанлар сони 2 бараварга қисқартирилади;

● Ўзбекистон ОТМларига давлат гранти асосида ўқишга қабул қилиш бўйича квота босқичма-босқич 2 бараварга оширилади;

● республика ОТМлари талабаларига ўқув йили давомида тенг улушларда камида 4 маротаба ўқиш учун тўловларни амалга ошириш имконияти тақдим этилади;

● 2020 йилда камида 5 та ОТМ конкурс асосида танлаб олиниб, нуфузли хорижий олий таълим даргоҳлари билан ҳамкорликда трансформация қилинади;

● 2020 йилда математика, кимё-биология, геология каби йўналишларда фундаментал ва амалий тадқиқотлар фаоллаштирилади.

**Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш жиноят ишлари бўйича судларга ўтказилади**

*Фармонга кўра, Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш соҳасида:*

● 2020 йил 1 майдан бошлаб суд ҳукмлари, қарорлари, ажримлари ёки ҳал қилув қарорлари томонларнинг мурожаати мавжуд бўлгандагина прокурор томонидан суддан талаб қилиб олинади;

● 2020 йил 1 апрелдан бошлаб 1995 йилгача Ўзбекистонга келган ва фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномаси асосида доимий яшаётган шахсларни Ўзбекистон фуқароси деб тан олиш тартиби жорий этилади;

● 2020 йил 1 ноябрга қадар апелляция ва кассация инстанцияларини ислоҳ қилиниб, назорат тартибида иш юритиш институти бекор қилинади;

● 2020 йил 1 июнга қадар тадбиркорлик соҳасидаги ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят турлари декриминализация қилинади;

● 2020 йил 1 декабрдан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколати жиноят ишлари бўйича судлар ваколатига ўтказилади;

● 2020 йил 1 декабрдан ҳуқуқбузарликларни содир этган шахс томонидан маъмурий жаримани суд ва ваколатли идораларда иш кўрилгунга қадар ихтиёрий тўлаш рағбатлантирилади.

## 1 МАЙДАН БОҒЧА ПУЛИ ОШАДИ: ҚАЕРДА ҚАНЧАГА?

**2020 йил учун давлат мактабгача таълим ташкилотларида болалар таъминоти учун ота-оналар тўлови миқдорлари тасдиқланди.**

**Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг "2020 йил учун давлат мактабгача таълим ташкилотларида болалар таъминоти учун ота-оналар тўлови миқдорларини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.**

**Ҳужжат билан 2020 йил учун давлат мактабгача таълим ташкилотларида болалар таъминоти учун ота-оналар тўлови миқдорлари тасдиқланди.**

| т/р | Мактабгача таълим ташкилоти жойлашган ҳудуд ва унда болаларнинг кунига бўлиш вақти | Бир ойлик тўлов миқдори | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | *Боғчага қатновчи оиладаги битта болага* | | *Оиладаги ҳар бир болага, агар боғчага биттадан ортиқ бола қатнаса* | |
| | | 2020 йил 1 майгача | 2020 йил 1 майдан бошлаб | 2020 йил 1 майгача | 2020 йил 1 майдан бошлаб |
| I | **Тошкент шаҳри** | | | | |
| 1.1 | 4-5 соат | 28 500 | 33 000 | 20 000 | 23 000 |
| 1.2 | 9 соат | 156 000 | 179 000 | 111 000 | 128 000 |
| 1.3 | 10,5 соат | 186 000 | 214 000 | 132 000 | 152 000 |
| 1.4 | 12 соат | 210 000 | 242 000 | 149 000 | 171 000 |
| 1.5 | 24 соат | 222 000 | 255 000 | 158 000 | 182 000 |
| II | **Вилоят марказлари** | | | | |
| 2.1 | 4-5 соат | 27 000 | 31 000 | 19 000 | 22 000 |
| 2.2 | 9 соат | 150 000 | 173 000 | 107 000 | 123 000 |
| 2.3 | 10,5 соат | 180 000 | 207 000 | 128 000 | 147 000 |
| 2.4 | 12 соат | 199 000 | 229 000 | 141 000 | 162 000 |
| 2.5 | 24 соат | 211 000 | 243 000 | 150 000 | 173 000 |
| III | **Вилоят бўйсунувидаги шаҳарлар** | | | | |
| 3.1 | 4-5 соат | 24 000 | 28 000 | 17 000 | 20 000 |
| 3.2 | 9 соат | 138 000 | 159 000 | 98 000 | 113 000 |
| 3.3 | 10,5 соат | 156 000 | 179 000 | 111 000 | 128 000 |
| 3.4 | 12 соат | 179 000 | 206 000 | 127 000 | 146 000 |
| 3.5 | 24 соат | 188 000 | 216 000 | 133 000 | 153 000 |
| IV | **Туман марказлари** | | | | |
| 4.1 | 4-5 соат | 21 000 | 25 000 | 15 000 | 17 000 |
| 4.2 | 9 соат | 102 000 | 117 000 | 77 000 | 89 000 |
| 4.3 | 10,5 соат | 138 000 | 159 000 | 104 000 | 120 000 |
| 4.4 | 12 соат | 157 000 | 181 000 | 118 000 | 136 000 |
| 4.5 | 24 соат | 167 000 | 192 000 | 125 000 | 144 000 |
| V | **Бошқа жойлар** | | | | |
| 5.1 | 4-5 соат | 19 500 | 23 000 | 14 000 | 16 000 |
| 5.2 | 9 соат | 72 000 | 83 000 | 58 000 | 67 000 |
| 5.3 | 10,5 соат | 126 000 | 145 000 | 101 000 | 116 000 |
| 5.4 | 12 соат | 148 000 | 170 000 | 111 000 | 128 000 |
| 5.5 | 24 соат | 156 000 | 179 000 | 117 000 | 135 000 |

**Изоҳ:** Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм вилояти, Навоий вилоятининг Томди, Учқудуқ, Конимех, Нурота туманлари ва Зарафшон шаҳри, Қашқадарё вилоятининг Деҳқонобод, Касби, Миришкор, Қамаши, Чироқчи, Нишон, Яккабоғ ва Ғузор туманларида, Бухоро вилоятининг Олот, Шофиркон, Қоракўл, Пешку ва Ромитан туманларида, Сурхондарё вилоятининг Қизириқ, Музработ, Олтинсой, Бойсун, Қумқўрғон, Узун, Сариосиё туманларида, Самарқанд вилоятининг Нуробод, Қўшработ, Ургут, Булунғур ва Пахтачи туманларида, Жиззах вилоятининг Бахмал, Ғаллаорол, Фориш, Мирзачўл ва Янгиобод туманларида, Сирдарё вилоятининг Оқолтин, Мирзаобод, Ховос ва Сардоба туманларида, Фарғона вилоятининг Сўх тумани ҳамда Фарғона туманининг "Шоҳимардон" ва "Ёрдон" қишлоқларида жойлашган давлат мактабгача таълим ташкилотларида ота-оналар томонидан ҳар ойда болалар таъминоти учун тўланадиган ҳақ миқдори ўрнатилган тарифнинг 50 фоизи миқдорида белгиланади.

*"Ҳуқуқий ахборот" канали материаллари асосида тайёрланди*

# КЎЗДА ТУТИЛМОҚДА?






**Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев жорий йил 2 март куни "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили"да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида"ги фармонни имзолади.**

**Фармон билан "Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили" Давлат дастури тасдиқланди. Ушбу дастуриламал ҳужжат 284 банддан иборат бўлиб, уни амалга ошириш учун 18 триллион 171,4 миллиард сўм ва 10 миллиард 301,5 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфланиши кўзда тутилмоқда.**

**Давлат дастурининг ҳар бир йўналиши бўйича қандай чора-тадбирлар амалга оширилади?**

## Биринчи йўналишнинг муҳим чоралари

Маҳаллий вакиллик органлари фаолиятида Кенгаш сўрови институти жорий этилади ҳамда Халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг фаолиятини "намунали Кенгаш" сифатида йўлга қўйиш чора-тадбирлари кўрилади.

Қонунчилик палатаси мажлисларида давлат органлари ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг ўз фаолияти бўйича, шунингдек, Ҳукумат аъзолари ва тармоқлар раҳбарларининг БМТ Барқарор ривожланиш мақсадларини бажариш, илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишлар тўғрисидаги ахборотлари мунтазам равишда эшитиб борилади.

Сенатда Ўзбекистоннинг хорижий давлатлардаги элчилари ҳисоботини эшитиш, шунингдек, аҳолини ташвишга солаётган муаммоларни тезкорлик билан ҳал қилиш мақсадида ўрганилган масалалар бўйича бевосита жойларга бориб, вазирлик ва идоралар раҳбарлари иштирокида Сенат кенгаши ва қўмиталарининг сайёр мажлисларини ўтказиш тизими йўлга қўйилади.

## Иккинчи йўналишнинг устувор жиҳатлари

Суд ҳукмлари, қарорлари, ажримлари ёки ҳал қилув қарорлари қонуний кучга кирган ишларни прокурор томонидан томонларнинг (прокурордан ташқари) мурожаати мавжуд бўлгандагина суддан талаб қилиб олиш тартиби белгиланади.

1995 йилгача Ўзбекистонга келган ва шундан буён фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномаси асосида доимий истиқомат қилаётган шахслар Ўзбекистон Республикаси фуқароси, деб тан олинади.

Одил судловга эришиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида апелляция ва кассация инстанциялари ислоҳ қилиниб, назорат тартибида иш юритиш институти бекор қилинади. Тадбиркорлик соҳасидаги ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят турлари декриминализация қилинади.

Божхона соҳасидаги қонун ҳужжатларини бузиш жиноятини биринчи марта содир этган, товар учун тўловни ихтиёрий равишда тўлаган ва божхона расмийлаштирувини амалга оширган шахслар жиноий жавобгарликдан озод қилинади.

## Учинчи йўналишнинг асосий тадбирлари

Пахта хомашёси ишлаб чиқариш, мажбурий сотиш режаси ҳамда нархини давлат томонидан белгилаш амалиёти бекор қилинади, шунингдек, давлатга мажбурий ғалла сотиш ҳажми 25 фоизга камайтирилади.

Лицензиялар ва бошқа рухсат берувчи ҳужжатлар камида икки бараварга қисқартирилади.



Камида 800 мингта кенг полосали интернет портлари яратилиб, 12 минг километр оптик толали алоқа линиялари ётқизилади.

Бюджет маблағлари ҳисобидан илғор тадбиркорлик лойиҳаларига грантлар ажратиш тизими ишга тушади. Янги кичик саноат зоналари яратилади, уларни бошқариш дирекцияларига зарур инфратузилмаларни етказиб бериш учун Давлат бюджети маблағларидан 100 миллиард сўм ажратилади.

Ҳар бир туманда деҳқончилик билан шуғулланиш истагини билдирган талабгорларга қишлоқ хўжалиги оборотидан чиқиб кетган ерлар тақсимлаб берилади ва улар кооперацияларга бириктирилади;

"Рақамли Ўзбекистон — 2030" дастури лойиҳаси ишлаб чиқилади. Унда ахборот технологиялари соҳасида инсон капиталини ривожлантириш, кадрларни тайёрлаш ва улар малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш, давлат хизматларини рақамли шаклга трансформация қилиш ва ахборот экотизимини ривожлантириш, давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар белгиланган.

## Тўртинчи йўналишдаги долзарб вазифалар

Ишсизлар ва камбағал оилалар аъзоларини тадбиркорлик ва касбга ўқитиш мақсадида 30 та коллеж базасида ҳамда Тошкент шаҳрининг ҳар бир туманида камида биттадан "Ишга марҳамат" мономарказлари ва касбга тайёрлаш марказлари ташкил этилади.

Мутасадди вазирлик ва идоралар ҳамкорлигида касбга ўқиш истагини билдирган ёлғиз ва кўп болали аёллар, ишсизлар, ёшлар учун кундалик ҳаётда эҳтиёж юқори бўлган соҳалар бўйича касбга ўргатиш курслари фаолияти йўлга қўйилади.

Камбағалликни қисқартириш дастури лойиҳаси ишлаб чиқилади. Унда камбағаллик тушунчасини аниқлаш методологияси ва мезонларини ишлаб чиқиш, аҳолида, айниқса, ёшлар ва аёлларда бизнес юритиш ва тадбиркорликнинг замонавий кўникмаларини шакллантириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлашнинг самарали механизмларини жорий этиш белгиланган.

Шу билан бирга тадбиркорлик субъектларига микромолиялаштириш хизматлари ва давлат харидларидан фойдаланишда кенг имкониятлар бериш учун шароит яратиш, банд бўлмаган аҳолини қайта тайёрлаш ва ишсиз фуқароларни талаб юқори бўлган касбларга ўқитиш бўйича кенг қамровли дастурларни амалга ошириш назарда тутилади.

Математика, кимё-биология, геология каби йўналишларда фундаментал ва амалий тадқиқотлар фаоллаштирилади, олимларга барча шарт-шароитларни яратиш чоралари кўрилади.

Давлат тиббиёт ташкилотлари ва аҳолини дори воситалари ҳамда тиббиёт буюмлари билан таъминлаш ўтган йилга нисбатан 1,3 бараварга оширилади.

## Бешинчи йўналишдаги саъй-ҳаракатлар

2020-2023 йилларга мўлжалланган Киберхавфсизликка доир миллий стратегия ҳамда "Киберхавфсизлик тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилади. Ўзбекистон Республикасининг ягона ахборот сиёсати концепцияси ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг миллий стратегияси тасдиқланади. Стратегияда мамлакатимизнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларининг тўлиқ бажарилишини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилишини мониторинг қилиш механизмларини такомиллаштириш каби вазифалар белгиланган.

Марказий Осиё мамлакатлари билан минтақавий ҳамкорлик доирасида комбинациялаштирилган туризмни "битта тур - кўп мамлакатлар" тамойили асосида ривожлантириш ҳамда Ўзбекистоннинг тарихий обидалари ва сайёҳлик салоҳиятини фаол равишда тарғиб қилишга йўналтирилган чора-тадбирлар амалга оширилади.

БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига 2021-2023 йилларга сайланиши учун Ўзбекистон номзодини илгари суриш бўйича амалий чора-тадбирлар жадаллаштирилади. Марказий Осиё бўйича Европа Иттифоқининг янгиланган Стратегиясини амалга оширишда Ўзбекистоннинг фаол иштирокини таъминлаш чоралари кўрилади.

## Давлат дастури ижросини самарали ташкил этиш бўйича

"Халқаро мунозара клуби" ташкил этилади. Унда маҳаллий ва хорижий экспертларни жалб қилган ҳолда, ислоҳотларни амалга оширишнинг муҳим масалалари бўйича жамоатчилик муҳокамаси ўтказилиб, оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилади.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти самарадорлигини доимий равишда баҳолаб бориш тизимини йўлга қўйиш мақсадида аҳоли ва экспертлар ўртасида сўровлар ва ўрганишлар ўтказиб борилади.

Илгари сурилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари бўйича уларнинг жамоатчилик муҳокамасини ҳисобга олган ҳолда асосланган таклифлар ишлаб чиқилади. Давлат органлари ва ташкилотларининг аҳоли олдидаги ҳисобдорлигини ошириш мақсадида жамоатчилик эшитуви мунтазам равишда ташкил этилади.

Вазирлар Маҳкамаси ҳар ойда Давлат дастури бажарилишини Бош вазир ўринбосарлари ва маслаҳатчилари ҳузурида танқидий кўриб чиқади, ҳар чоракда Ҳукумат мажлисларида муҳокама қилиб боради ҳамда ўз вақтида ва тўлиқ бажарилмаган тадбирлар юзасидан масъул вазирлик ва идоралар раҳбарларига нисбатан тегишли чоралар кўради.

**Шуҳрат ДЕҲҚОНОВ,**
*"Тараққиёт стратегияси" маркази мутахассиси*

# Она қалби оёққа турса...

## Зулфиянинг шеърларида нега кескир сўз ва ўзгача руҳ акс этган?



*Ўзбек адабиёти тарихининг гоят драматик саҳифалари аёл адибаларининг теран истеъдоди-ла безалган. Зоҳиран ҳазин, лекин руҳан дадил ижодкорлар – Нодира, Маҳзуна, Увайсийларнинг бахт-саодат ҳақида, ватан ва халқ тонги тўғрисида битилмай қолиб кетган қалб ғазалларини, ҳаёт орзуларини янги даврнинг ўлмас нашъалари асосида куйлаш талантли шоира Зулфияга насиб этди.*

Зулфия ўзбек хотин-қизлар билим юртида ўқиб юрган кезларида қалб тубидаги ҳақиқатларини ошкора намоён эта бошлайди. 1931 йилданоқ унинг газеталарда, республика адабий-бадиий журналларида чоп этила бошлаган шеърлари ўзбек хотин-қизларининг ўзига хос овози сифатида жуда илиқ қабул қилинади. Кўп ўтмай ёш шоиранинг қалдирғоч тўплами – «Ҳаёт варақлари» нашр этилади. Бу адабий муҳит ва китобхонлар орасида Зулфиянинг ўзбек қизларининг иффатли қалбидек майин, зийрак аҳлидек самимий истеъдодига ишонч яратган бўлса, «Қизлар қўшиғи», «Уни Фарҳод дер эдилар», «Ҳижрон кунларида», «Ҳулкар», «Мен тонгни куйлайман», «Дугоналар билан суҳбат», «Юрагимга яқин кишилар», «Ҳаёт жилоси» каби асарлари, талай публицистик мақолалари, рус ва жаҳон адабиётидан қилган таржималари, жамоат арбоби сифатида олиб борган қизғин фаолияти билан ўзбек адабиёти ва маданиятининг йирик намояндалари сафидан ўрин эгаллади. Зулфия – уста кўрган, дунё кезган адиба. Унинг таланти турмуш ўртоғи Ҳамид Олимжон ижодий мактабида тобланган.

Ватан, дўстлик, садоқат, меҳнат ва муҳаббат туйғулари тараннум этилган шеърларида шоира Зулфиянинг ёниқ юраги акс этганлиги яққол сезилиб туради. Хусусан, турмуш ўртоғи Ҳамид Олимжонга бағишлаб ёзган бир шеърида қуйидаги сатрларни кўришимиз мумкин:

**Ҳижроннинг қалбимда,**
**созинг қўлимда,**
**Ҳаётни куйлайман,**
**чекинар алам.**
**Тунлар тушимдасан,**
**кундуз ёдимда,**
**Мен ҳаёт эканман,**
**ҳаётсан сен ҳам!**

Ушбу мисраларда зоҳиран қараганда ҳазин бир кайфият ифода этилгандек туюлсада аслида шеър мазмунида турмуш, ҳаётнинг аччиқ чучуғини тотган аммо шундай бўлсада тириклик, ҳаёт нашидасини бошини тик тутиб тотаётган ўктам аёл қиёфаси гавдаланади. Зулфиянинг шеърларида ғам-ташвишга бўй бермаган, кескир сўзли ўзгача бир руҳ аксланади. Шунинг учун ҳам ижод намуналарини кўздан кечирган ўқувчининг қалбида ачиниш ёки тушкунлик кайфияти эмас, балки кўтаринкилик, ҳаётга ташналик, ҳар қандай ҳолатда ҳам фақат олдинга интилиш ҳисси уйғонади. Ёки «Ўғлим, сира бўлмайди уруш» номли шеърида ҳам айни туйғуларнинг намунасини кўриш мумкин:

**Кўкрак сути ва меҳнат билан,**
**Биз жаҳонга берганмиз турмуш.**
**Она қалби оёққа турса,**
**Ўғлим, сира бўлмайди уруш!**

Бу сатрларда истеъдодли шоира Зулфия она қалбининг нақадар ҳафиф, нозик ва шу билан бирга ўзгача бир қувватга эгалигини эътироф этган. Яъни, қалби оёққа туриши деганда шоира она қалбидаги чин истаклар, дуолар шуҳбасиз ижобат бўлишини, ҳар қандай ёмонлик тугашини таъкидлайди.

Ҳа, Зулфия ўзбек адабиётида ҳамиша ўзининг залворли ўрнига эга ижодкор сифатида қолаверади, шунингдек, биз доим уни баҳор, бахт ва тонг куйчиси дея тилга оламиз.

**Шоҳруҳ ОЧИЛОВ**

### ЯНГИ НАШРЛАР

## НАВОИЙ «ХАМСА»СИ ОЗАРБАЙЖОН ТИЛИДА




Алишер Навоийнинг беш достонни ўз ичига олган «Хамса» асари озарбайжон тилига таржима қилинди.

Мазкур таржимани Боку давлат университети туркология кафедраси мудири, филология фанлари доктори, профессор, Бобур номидаги халқаро мукофот совриндори Рамиз Асқар амалга оширди.

Рамиз Асқар узоқ йиллардан бери ўзбек мумтоз адабиётини тадқиқ этиб келади. У айни пайтга қадар Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» асари ва бир қатор ғазалларини, Ҳусайн Бойқаро девонини озарбайжон тилига таржима қилган. Алишер Навоий ижодини узоқ йиллардан бери тадқиқ қилиб келади. У узоқ йиллардан давомида туркийлар орасидаги маънавий кўприк сифатида туркий халқларга мансуб бўлган қирқдан ортиқ асарларни турк, татар, қозоқ, қирғиз, ўзбек ва бошқа қатор тиллардан озарбайжон тилига таржима қилган.

Олим «Хамса» асари таржимаси давомида, яъни 2017 йилдан буён ўзбекистонлик навоийшунос олима Дилнавоз Юсупова билан ҳамкорлик қилди. Дилнавоз Юсупова ушбу таржиманинг асосий муҳаррирларидан ҳисобланади.

— «Хамса» асари туркий тилнинг қорлуқ лаҳжасида ёзилган, — дейди таржимон. — Озарбайжон тили эса ўғуз лаҳжасига мансуб. Шу нуқтаи назардан, бу асар таржимасида бир қанча мураккабликларга учрадик. Айниқса, вазн билан боғлиқ қийинчиликлар кўп бўлди. Талабчан муҳарриримиз Дилнавоз Юсуповнинг ёрдами билан таржима жараёни самарали якунланди.

Олимнинг қайд этишича, шу кунга қадар Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонигина озар тилига бармоқ вазнида таржима қилинган эди. Энди озарбайжонлик китобхонлар буюк шоирнинг «Хамса»сидан тўлалигича ўз она тилида ўқиш имконига эга бўлди.

Мазкур ишни муваффақиятли амалга оширган Рамиз Асқар Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг фахрий аъзолигига қабул қилинди.

## «УЧДАН КЕЙИН КЕЧ»




Ҳар бир болада бир даҳо яширин. Унинг ким бўлиб вояга етиши эса катталарнинг муносабати, тарбияси маҳсулидир. Қўлингиздаги китоб сизни бунга ишонтиришнинги ўз олдига мақсад қилиб олмаган. Китобни ўқиб сиз бола тарбиясига оид оддий ва тушунарли усуллар билан танишасиз. Фақат бу борада кечикиб қолмаслигингиз лозим. Масару Ибуканинг ушбу китоби ўз боласининг келажаги учун қайғурадиган барча ота-оналарга мўлжалланган.

## «БИР ТУШНИНГ ЭВРИЛИШЛАРИ»




Шарифжон Аҳмедов — ўзига хос ижодкор. Унинг ёзиш услуби ўзгача, тили ўзгача, ҳикояларининг қурилиши ўзгача. Ҳикояларни ўқиш асносида китобхон замонавий адабиётда кечаётган ўзгаришлардан хабардор бўлиши мумкин. Китобга ёзувчининг энг сара ҳикоялари киритилган. Улар нозик дидли ўқувчиларга ҳам манзур бўлади, деб ўйлаймиз.

## «БИР КУНЛИК ҚЎНАЛҒА»




«Бир кунлик қўналға» китоби «Жаҳон адабиёти хазинасидан» туркумида нашр этилди. Ундан жаҳон адабиётининг дурдона асарлари жой олган. Уларнинг ҳар бири ўқувчини ҳаёт, умр моҳияти ҳамда тириклик ҳақида ўйлашга ундайди. Китобни варақлар экансиз, ундаги ҳикоялар ўқувчини бефарқ қолдирмайди.

## ҚАЙҒУ ГУЛИ




Фуруғ Фаррухзод шеърияти биргина Эрон шеърияти қобиғига сиғмайди, яъни у жаҳон шеъриятида ҳам янгиликдир. Фуруғ шеъриятидаги рамзийлик илдизи бутун дунё тан олган мумтоз форс шеъриятининг энг сара асарларидаги ноёб анъаналардан озиқланган. Фуруғнинг нафақат шеърларида, балки китобларининг «Девор», «Асир», «Исён», «Таваллуде дигар» деб номланишида ҳам рамзийлик бор. Қолаверса, Фуруғ шеъриятида аксарият шоирларга хос бўлган турмушидан кўнгли тўлмаган аёлнинг сохта маломатлари, маиший муаммолар ёхуд фаришта ниқобидаги шайтоний васвасалар эмас, умумбашарий дардлар, комил инсон соғинчи янграйди. Китоб чин шеърият мухлислари учун ажойиб туҳфа бўлишига ишонамиз.

# МЎЪЖИЗА

## Обиҳаётнинг биз билган ва билмаган синоатлари

**Ўз моҳиятидан чекинмаган ҳар қандай илм, шубҳасиз, Аллоҳга олиб боради. Бундай илмларга нисбатан "диний" ёки "дунёвий" истилоҳларини қўллаш ўринсиз кўринади. Негаки, моҳиятига муносиб илм бундай чегараларни билмайди. Ва, айнан, моҳиятига мослиги билан муайян тузум, жамият, миллатга эмас, умуминсониятга хизмат қилади. Бундан бир неча йил муқаддам япон олими Масару Емото томонидан амалга оширилган кашфиёт XXI асрга қадам қўймиш башарият келажаги учун ўта муҳим феноменал кашфиёт бўлди десак, ҳаққоний фикрни ифодалаган бўламиз.**



Масару Емото тадқиқотлари ҳар сония, ҳар дақиқа фойдаланаётганимиз, биз учун оддийгина ичимлик тушунчасини англатадиган сув ва унинг моҳиятида яширин сиру синоатларни очишга қаратилган. Япон олимининг узоқ йиллик изланишлари натижасида сувнинг борлиқ ҳаракати ва инсон ҳаёти учун ўта муҳим аҳамият касб этиши, ичимлик, ёғин, ер ости захираси бўлиш сингари зоҳирий функцияларидан ташқари, кўплаб ўта нозик ботиний функцияларга ҳам эга экани маълум бўлди. Бундай тажрибалар Ер шарининг турли бурчакларидан олинган сув намуналари устида ўтказилган. Бир томчи сув юзта идишга бўлиниб, икки соат мобайнида музлатилган. Сўнгра уларни махсус музлатгич камерали идишларга жойлаштирилган. Микрокристалл шаклини олган сув молекуласи микроскопик фотоаппаратлар ёрдамида суратга олинганда ғайриоддий мўъжизалар намоён бўла бошлаган.

200 дан 500 мартагача катталаштириб нашр этилган микрокристалларнинг шакл-шамойили, дарҳақиқат, кишини ҳайратга солади. Япониянинг Фуживара тўғонидан олинган микрокристалл шакл йиртқич бир махлуққа ўхшайди: ранги қора, кўзлари ўт сочиб турган қоронғи ўрани эслатади. Шаҳардан йироқ покиза тоғ жилғаларидан олинган микрокристалл намунаси эса нафис гуллар билан безатилган олтибурчак шаклида.

Емото тажрибаларидан келиб чиқадиган хулосага кўра, сув ташқаридан бўладиган ҳар қандай таъсирга ўз муносабатини билдиради. Аниқроқ айтганда, сув "гапиради", "эшитади", "кўради". Турли хас-хашаклар, чиқиндию ахлатлар, кимёвий заҳарлардан сувнинг зоҳири ифлосланса, одамларнинг ёмон фикрлари, шайтоний ҳис-туйғулари, дилозор сўзларидан унинг таркиби (қалби) бузилиб, рутубат тусини олади. Оқибатда бундай сувни истеъмол қилган инсонлар феъл-атвори, ахлоқи, кайфияти, бир сўз билан айтганда руҳиятида тубанлашув юз беради. Сайёрамизнинг Мегополис мақомидаги шаҳарларида мавжуд ичимлик захиралари турли заҳарли энергиялар билан "тўйинган" бўлади. Уни истеъмол қилган шаҳар аҳли билан сув манбалари аро бузғунчи зарядларнинг занжирли реакцияси рўй беради. Жўн қилиб айтганда,

**одамлар ўзларининг асабий турмуш тарзлари, тубан ахлоқлари, заҳар сўзлари боис сув таркибини бузишлари оқибатида сувдан ҳам муносиб "жавоб" олишади.**

Турли касалликлар, маънавий таназзуллар, руҳий ғалаёнлар шундан келиб чиқади.

Бугун заҳарли микроблардан сақланишнинг ягона йўли деб тақдим қилинаётган "ажойиб, ялтироқ" идишлардаги газланган сувларга ружу қўйиш русумга кирмоқда. Ҳолбуки, австриялик табиатшунос олим Алоис Губернинг "сувни тирилтириш" тизими хулосаларига кўра, "Газланган сув, бу — ўлик мавжудот демакдир, уни бирон усул билан тирилтириш мумкин эмас".

Япон олими М.Емото, австриялик олим А.Губер, рус олими С.Зенин хулосаларини умумлаштирадиган бўлсак, сув одам ва олам муносабатининг муҳим воситаси экан. Ер ва коинот аро муносабатлар сув (ёмғир, қор, буғ) орқали амалга ошганидек, одам танасида аниқ ҳаётий вазифани ўтайдиган юрак, мия, ўпка, жигар, буйрак ва ҳоказолар ўртасидаги алоқа ердаги денгизу дарёлар мисол жойлашмиш қон томирлари воситасида амалга ошади. Тадқиқотчиларнинг аниқлашларича, инсон танасини ҳаёт энергияси билан таъминлайдиган аъзоларнинг аксарият қисми айнан сувдан иборат экан. Масалан, инсоннинг мияси 90 фоиз, қони 81 фоиз, мускуллари 75 фоиз, териси ва жигари 70 фоиз, суяклари 20 фоиз сувдан ташкил топган экан. Камолга етган одам танасининг 70 фоизи, бир ярим ойлик чақалоқ танасининг 97,8 фоизи сув бўларкан. Шунингдек, чақалоқ танасидаги ҳужайраларнинг яшовчанлиги, курашувчанлиги катталарникига нисбатан бир неча баробар кучлироқ бўларкан. Тадқиқотчилар бунинг сабабини ҳам сув миқдорининг нисбатан кўплиги билан изоҳлашади. Инсон учун ҳаёт манбаи бўлган қон 15 кунда бир марта, одамнинг бутун танаси эса муайян даврларда 70 фоизгача янгиланаркан. Ва, қизиғи шундаки, бундай янгиланишлар сув воситасида амалга ошаркан.

Ушбу илмий далилларга асосан хулоса қилишга уриниб кўрайлик. Моҳиятан "жонли сув" бўлган одам танасининг 70 фоизи айнан сув шаклида янгиланиб турар экан, танани тарк этаётган "эски" сув ўрнини, борлиқ (коинот)да мавжуд "янги" сув тўлдиради. Демакки, айнан сув воситасида инсон умр бўйи борлиқ билан церкуляр муносабатда яшайди. Ўзининг бир қисмини борлиққа берганидек, борлиқдан ҳам керакли улушини олиб туради. Натижада ҳар қандай индивид борлиқдаги барча мавжудот таъсиридан холи бўла олмайди. Бунда диққат қаратиш лозим бўлган нуқта сўз юритилган церкуляр муносабатнинг ижобий ёки салбий моҳият касб этишидадир. Сув устида жиддий тажрибалар олиб бораётган япон олими Емото, рус олими Зенин тажрибалари айни муаммони илмий асослаш имконини беради.

Маълумки, сув молекуласи (H2O) 2 та водород, 1 та кислород атомидан ташкил топган. Тадқиқотлар натижасига кўра, шу икки кимёвий унсур реакцияга киришганда иккита ижобий зарядли (+), иккита салбий зарядли (-) бўш "қўл"лар ортиб қолади. Худди шу бўш "қўллар" воситасида сув бошқа зарядлар билан муносабатга киришади. Бунда, албатта, ҳар қайси бўш заряд ўзига зид бўлган, яъни иккита мусбат, иккита манфий заряд билан боғланиб, янги моҳиятни юзага келтиради. Биргина сув молекуласининг ўзида, рус олими Зенин ҳисоб-китобига кўра, 44000 ахборот қутичалари мавжуд бўлади. Олимлар бу қутичаларни ўзига хос "биокомпьютер" дея изоҳлашади. Шу 44000 қутичадан бирортаси ташқаридан хоҳ салбий, хоҳ ижобий ахборотни қабул қилиб олса, ундан нусха кўчириб, лаҳза ўтмай бошқа қутичаларга етказади. Бунинг натижасида сувнинг молекуляр тизими, ҳолати ўзгаради. Юқорида айтганимиздек, бу ахборот нафақат ахлат, чиринди, кимёвий заҳарлар шаклида, балки айнан сўз, фикр, ҳис-туйғулар шаклида бўлади.

М.Емотонинг микроскопик тасвирга асосланган тажрибалари шуни кўрсатадики, эзгу сўз, эзгу туйғу, эзгу фикрни "эшитган", "кўрган" сувнинг кристалланган (музлатилган) шакли ўта гўзал кўриниш ва рангга эга бўлади. Аксинча бўлганда қорайиб, хаотик шаклга киради. Емотонинг "Сувнинг айтганлари" ("Послания воду"у The Masseges of Water) китобида муайян ахборотлар натижаси ўлароқ юзага келган кристалл шаклларнинг 200 дан 500 мартагача катталаштирилган фото тасвирлари чоп этилган. Ундан маълум бўлишича, "фаришта" сўзини "эшитган" сув кристали гулчамбар шаклини, "шайтон" сўзини "эшитган" сув кристали қоронғи ўра шаклини, "муҳаббат" сўзини "эшитган" сув кристали олтибурчакли гул шаклини, "жонимга тегдинг" сўзини "эшитган" сув кристали қақроқ чўлда қочиб бораётган одам шаклини намойиш қилган. Бир идишдаги сувга ҳам эзгу ("раҳмат"), ҳам ёмон ("кармисан!") сўзлари эшиттирилганда сувнинг асоси фақат яхши томонга ўзгарган. Яъни Яратганнинг буюк неъмати бўлган сув эзгуликнинг ёвузлик устидан ҳамиша ғолиб эканини ўзига хос тарзда исботлаган. М.Емото айтадики: "Агар чуқур тадқиқ этилса, энг оғир жиноятлар оғзи шалоқ одамлар яшайдиган жойларда содир этилиши маълум бўлади".

Тадқиқотлар натижасида сувни энг гўзал шаклга келтирадиган сўзлар "муҳаббат" ва "миннатдорлик", энг хунуклаштирадиган сўзлар эса "нафрат" ва "лоқайдлик" сўзлари экани аниқланган. Демак, 70 фоизидан кўпроғини сув ташкил этган одам ўзига нисбатан кўрсатилган меҳр-муҳаббат боис яйраб яшнайди. Фаолиятидан миннатдор бўлсалар қалби қувончга тўлади, яшаради, соғлиғи яхшиланади, руҳи кўтарилади. Бундан келиб чиқадики, инсон нафақат руҳий-маънавий жиҳатдан, балки кимёвий тузилиши нуқтаи назаридан ҳам эзгуликка, эзгу ниятга мойил қилиб яратилган. У қанчалар ёвуз одам бўлмасин ёвузлик уни қаритади, қуритади, эзгулик эса яшнатади. Бир қарашда ўзгаларнинг ёмонликларидан жабрдийда инсон, айни пайтда жафокор ҳам.

Демакки, инсоният таназзули ҳам, камолоти ҳам маълум даражади сув воситасида амалга ошади. Аниқ айтганда, сувга Яратган томонидан шундай вазифа юкланган.

Емото ва бошқа олимлар тажрибасида сув, наинки, "эшитиши", балки "кўриш" ва "ҳис қилиш" қобилиятига ҳам эга экани маълум бўлган. "Сувнинг айтганлари" китобида фақат овоз воситасида эмас, ёзув, фикр, туйғу воситасида муайян шаклни олган сув кристаллари хусусида сўз юритилади. Масалан, дунёдаги тўртта динни ифодаловчи сўзлар қоғозга ёзилиб, тажриба пробиркасига ёпиштирилганда сув молекуласи у сўзларни "ўқиган" ва дарҳол уларга муносабат билдирган. Айниқса "ислом" сўзини "кўрган" сув ажойиб кристалл шаклини олган.

**Узоқ ЖЎРАҚУЛОВ,**
*Филология фанлари доктори, профессор*

**Давоми келгуси сонда)**

**Мақоланинг давомида музлаб қолган сўзлар, дарё қандай қилиб икки томонга чекингани, шаҳар аҳолисига эзгулик энергиясини еткизиш технологияси ҳамда сувнинг қандай хасталикларга шифо бўлиши ҳақида сўз юритилади.**

# ИБН СИНО АВЛОДЛАРИ ШУ ЕРДА

**Тошкент тиббиёт академияси нафақат мамлакатимизда, балки бутун Марказий Осиёда ўз нуфузи, салоҳияти ҳамда тайёрлаётган малакали ва билимли кадрлари билан довруқ қозонган. Бу йил нуфузли илм даргоҳи ўзининг қутлуғ ва муборак юз ёшлик тўйини ўтказиш арафасида турибди. Қувончлиси, бир маҳаллар жаҳоннинг кўпгина давлатларидан келиб, бу даргоҳда соҳа сир-асрорларини мукаммал ва пухта ўрганган "оқ халатли" қўли енгил шифокорлар бугунги кунда эл-улусга елиб-югуриб хизмат қилмоқда, одамлар дуосини олмоқда.**

### Дўстларни чақиринг чаманингизга

*Ўзимиз шу ерлик, меҳмондўст авлод,*
*Дўстларни чақиринг чаманингизга;*
*Отам шу ерда денг, мен ҳам бўлай шод,*
*Бир даста гул бўлинг Ватанингизга!*



Мактаб ташвишларидан қутилган, Тошкент тиббиёт академиясидек нуфузи баланд таълим даргоҳида ўқиш бахтига муяссар бўлган, юраги минг хил орзулар билан лиммо-лим, ўз келажагига катта умид билан кўз тиккан ёшлар академик шоир Ғафур Ғуломнинг юқоридаги ажойиб мисраларини баралла хиргойи қилганича, ўзларини бағоят бахтли ҳис қилар, юзларида табассум жилваланарди. Бу навқирон авлоддан устозлари ва ота-онасининг умидлари кўп. Қолаверса, бу навниҳолларнинг олдида олис ва катта, қувончу машаққатларга тўла йўл туради ҳамиша.

Мен сиздан шифо топдим, деган ширин каломни эшитишни истаган шифокор борки, агар ўзида иқтидор, салоҳият, ғужур ва энг асосийси, ирода бўлмаса бу ишга қўл уриб хато қилади. Бу касб зилдай оғир масъулиятни зиммага олишни, ўз устида умрининг охиригача тинимсиз ва қунт билан ишлашни, ҳар бир бемор билан ширин ва чиройли муомалада бўлишни тақозо этади. Шу сабабли "ёшларга ғамхурлик" қиламан деб, баъзида уларни ўзи севмаган, юраги жизилламаган касбга тиқиштириш ҳолатлари кам бўлсада учраб турганини ачинарлидир. Аксинча уларни ота-онаси, устози ёнига ўтқазиб, ғамхўрлик кўрсатиш, қўллаб-қувватлаш, йўғини бор этиб кўрсатиш билан чекланиб қолмасдан, балки уларга рост гапни айтиш, касб танлашдаги янглишишдан ҳам огоҳ этиб бориш зарур. Назаримда бу ҳолат келажакда юз бериши мумкин бўлган кўпгина кўнгилсизликларнинг олдини олади. Бундан ташқари ёшларда бор нарсани борича айта олиш кўникмаси шундай шаклланади.

Тошкент тиббиёт академияси аудиторияларида устозларидан қунт ва сабот билан сабоқ олаётган янги авлод ёшлари интилишлари эрта кўклам чоғлари қирғоғига сиғмасдан, манзилига ошиқаётган сойдек, ҳайқириб, тўлиб-тошмоқда. Тиббиёт соҳасининг катта дарёсига бориб қўшилиш сари интилмоқда. Хас-чўплардан холи бўлмаган, лекин ўзига хос ва мос оқим бўлиб келиб қўшиляпти. Илло, бу оқимнинг фақатгина ўзига хос ва мос бўлган оҳанги, овози, белгилари бор. Зотан, уларнинг бари ўз сўзи, қараши ва фикрига эга эркин ёшлардир.

### Саломатликнинг бўлғуси посбонлари

Инсон табиати, феъли-атвори ажабтовур. Негадир у бирор-бир дардга чалинганида, эгнига оқ халат кийган, одамлар соғлиғи учун масъул ҳисобланган шифокорни бирдан ёдга олиб қолади. Унга қадар йилнинг маълум бир вақтида тиббий кўрикдан ўтишга вақтини ҳам, имконини ҳам қизғанади. Аслида ҳар бир инсон соғлиғидан бохабар бўлиб туриши зарур. Ахир, дардни даволагандан кўра, олдини олган яхши эмасми?!

Хўш, бугунги кунда соғлиқни сақлаш тизими учун малакали шифокорлар тайёрлаб берадиган таянч таълим муассасаларидан ҳисобланган, ўзининг юз йиллик айёмини кенг миқёсда нишонлаш арафасида бўлган Тошкент тиббиёт академиясида бу масалага қай тарзда ёндашилмоқда? Биз ана шу саволларга жавоб топиш мақсадида мазкур илм даргоҳида бўлиб, устоз ва талабалар билан гурунглашдик, уларнинг қайноқ ва жўшқин ҳаётини кузатиб қайтдик. Ўзининг бой тарихига эга бўлган ушбу таълим муассасасига дастлаб 1920 йилда Туркистонда дорилфунун ташкил этиш ҳақидаги ҳужжат билан тамал тоши қўйилган. Ўша кезлари дорилфунун таркибида тиббиёт факультети ҳам очилган, 1931 йилда эса у мустақил тиббиёт институтига айлантирилган. 1935 йилга келиб эса Ўрта Осиё тиббиёт институти Тошкент тиббиёт институти деган ном билан юритила бошлади. Ниҳоят 1990 йилга келиб, бир неча ўқув базаларида жойлашган катта институтни бошқаришда туғилган қийинчиликларни инобатга олиб, мазкур илм даргоҳи биринчи ва иккинчи тиббиёт институтларига ажратилади. Ноҳоят, Тошкент тиббиёт академияси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 19 июлдаги фармони асосида фаолияти тугатилган Биринчи ва Иккинчи Тошкент давлат тиббиёт институтларининг негизида юқори малакали тиббий ходимларини тайёрлаш сифатини ошириш ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий талабларига жавоб берадиган зарур ўқув ва моддий-техник базасини яратиш, унга илғор таълим технологияларини киритиш асосида янги мазмун ва моҳият билан бойитиш, бўлғуси мутахассислар тайёрланишини тиббиёт амалиётининг муайян кўникмалари билан бир вақтда эгаллашларини узвий боғлаш мақсадида ташкил этилди.

Бугун замон тезкор, ривожланиш шиддат билан давом этмоқда. Мазкур жараён ҳам мамлакатимиздаги тиббиёт соҳаси учун мутахассислар тайёрлаб берадиган олий ўқув юртлари учун ҳам зудлик билан бажарилиши керак бўлган вазифаларни кўндаланг қўяди. Ана шу ҳолатни инобатга олган академиянинг кўп сонли жамоаси белни қамишдек боғлаб хизмат қилмоқда. Бугунги кунда академияда даволаш, тиббий педагогика, тиббий профилактика, тиббий биология, олий маълумотли ҳамшира, ҳарбий тиббиёт, малака ошириш факультетлари, "тиббиёт келажаги" инновацион бакалавриат таълим дастури, Қозон давлат тиббиёт университети билан ҳамкорликда "даволаш иши" йўналишларида жами 4 минг 293 нафар талаба таҳсил олмоқда. Шу билан бирга, элликка яқин магистратура мутахассислиги бўйича 731 нафар магистр, 433 нафар клиник ординаторлар 38 йўналиш бўйича ўз билим ва кўникмаларини ошияпти. Биргина 2016 йилнинг ўзида академия профессор-ўқитувчиларининг 134 нафари хорижнинг нуфузли тиббиёт муассасаларида малака ошириш ва турли халқаро илмий-амалий анжуманларда иштирок этган бўлса, бу кўрсаткич ўтган йилда 389 нафарга етди. Айни пайтда, олти нафар ёш иқтидор эгалари докторантурада, беш нафари магистратурада, ўн тўрт нафар ёш ординаторада таҳсил олишмоқда.



— Аслида бизнинг авлодларимиз қонида, жисми-жонида бир вақтлар ўз илми, салоҳияти билан жаҳонни қойил қолдирган шавкатли боболаримизнинг қони оқмоқда. Зеро етти иқлимга шуҳрати кетган Ўзбекистон деб аталадиган бу жаннатмонанд юрт жигаргўшалари бундан кейин ҳам ҳайратлантиришда давом этгуси, — дейди Тошкент тиббиёт академияси ректори, тиббиёт фанлари доктори, профессор Лазиз ТЎЙЧИЕВ. — Кўп сонли жамоамиз талабаларга ота-боболаримиз номи билан фахрланиб қолмасдан, улардай бўлишлари учун ғайрат камарини маҳкам боғлашлари лозимлигини тушунтиришга ҳаракат қилмоқдамиз. Қўлга киритилаётган натижалар, ана шу тахлит меҳнатимизнинг натижаси деб ўйлайман.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида кўпгина ҳаётий муаммоларни ҳал этиш назарда тутилган. Иш жараёнида ана шу муҳим ҳужжат талабларига қатъий амал қилишга астойдил ҳаракат қиляпмиз. Аслида муҳим, жуда кўп ҳаётий масалаларни ечишга қаратилган қарорда, айниқса, тизимни босқичма-босқич ислоҳ қилиб бориш, таълим сифатини кўтариш, соҳанинг қаддини тиклаш, сифат босқичини, хизмат кўрсатиш сифатини жаҳоннинг ривожланган давлатлари сингари юқори босқичга олиб чиқиш, қолаверса, тиббиёт соҳасининг аҳамияти ва ҳаётимизда тутган мавқеини одамларга содда ва лўнда тушунтириш, тиббий маданиятни ошириш сингари ўта долзарб масалаларни ўз ичига қамраб олади. Бугунги кунда ана шу масалалар таълим соҳасига изчиллик билан татбиқ этила бошлади. Ўйлайманки, тез орада у ўзининг ижобий натижаларини кўрсатади.

Академия ректори Лазиз Тўйчиевнинг алоҳида эътироф этишича, талабалар машғулотларни амалиёт билан ҳамоҳанг тарзда олиб бораётганликлари сабабли ҳам ҳозирданоқ кўзлари пишиб бормоқда. Сабоқлар талабаларга тўртта ўқув биносида, шунингдек Тошкент тиббиёт академиясининг кўп тармоқли клиникаси Тошкент шаҳари ва Тошкент вилоятида жойлашган саксондан ортиқ клиник базалар, яъни қишлоқ врачлик пунктлари, оилавий поликлинкалар, республика ихтисослаштирилган марказлари ва хусусий клиникаларда олиб борилаётгани, айни муддао. Устига-устак ҳаётнинг ичида бўлган ёш талаба ҳозирданоқ шифокорлик касбининг паст-баландини, ўнқир-чўнқирини миридан-сиригача ўрганиб боради. Бу жараёнда 694 нафар профессор-ўқитувчининг хизмати катта бўлмоқда. Тажрибали ва етарли ҳаётий кўникмага эга бўлган устозлар ёшлар-



# ТАҲСИЛ ОЛМОҚДА



Реклама ўрнида

га бириктириб қўйилган.

Спорт — тинчлик элчиси. Танани чиниқтиришда, соғ-саломат юришда унга тенг келадиган бошқа нарса йўқ. Академиянинг "Шифокор" спорт мажмуасидан доимо спортга иштиёқи баланд ёшларнинг қадами узилмайди. Улар бу ерда барча спорт турлари билан шуғулланишлари, чиниқишлари мумкин. Мини футбол майдони, ўн бир турдаги спорт турлари билан машғул бўлиш учун тренажёр зали улар хизматида.

Талабалар турар жойида ёшларнинг кўп вақти ўтади. Бу манзил озода ва обод бўлса, шунча яхши. Шунинг учун ҳам 1 минг 840 ўринли талабалар турар жойи капитал таъмирдан чиқарилди. Бадиий ҳаваскорлик ва рассомлик тўгараклари, тикув хонаси, ахборот технологиялари хонаси ташкил этилган. Илм даргоҳида замонавий



ускуналар билан жиҳозланган кимё, биофизика, анатомия лабораториялари, шунингдек, академик инновациялар фонди томонидан ажратилган жами 200 минг АҚШ доллар миқдоридаги гранд лойиҳасида симуляцион ўқитиш маркази, маҳаллий инвестор томонидан 170 минг доллар миқдорида инвестиция киритилиб, "Илмий-диагностика инновация маркази" ташкил этилгани ҳам барчани бирдай қувонтирди. Бисотида бир-биридан қизиқарли ва ноёб китобларни жам қилган каттагина кутубхона доимо гавжум. Ахборот-ресурс маркази умумий фонда ҳам оз-эмас, кўп эмас жами 164 минг 252 сонда 10 минг 659 номда, шундан 16 минг 412 таси электрон шаклда, 96 минг 724 сонда ўқув адабиётлар, 1479 номда 6976 сондаги бадиий адабиётларни ўз ичига олади. Бундан ташқари фойдаланувчилар учун анъанавий ва электрон каталоглар жорий этилган. Китобхонларга ноёб нашрлар, тиббиётга оид кўз қорачиғидек сақлаб келинаётган қулёзма нусхалари мунтазир.



### Сўзингиздан устозлар...

Устозлик азалдан игна билан қудуқ қазишдек меҳрталаб касб ҳисобланган. Сабаби муаллим қалбида ёш авлодга нисбатан ўзгача меҳр-муҳаббат бўлсагина у сабоқни мазмунли ва қизиқарли олиб боради. Қолаверса, талабада ҳам ўтадиган машғулотга қизиқиш уйғонади. "Муҳаббатсиз иморат вайрон бўлади", дейишади кўпни кўрган боболаримиз. Бундан чиқадиган хулоса шуки, қандай ҳолатда бўлишидан қатъи назар устоз доимо шогирдлари қалбига билим ва эзгулик уруғларини соча олади. Ана шундай меҳридарё, касбининг билимдонлари бўлиб танилган устозлар Тошкент тиббиёт академиясида ҳам анча сероб. Улар ҳар йили давлатимизнинг нуфузли мукофотлари билан тақдирланмоқда. Жумладан, 2-сон акушерлик ва гинекология кафедраси мудираси Дилбар Нажмиддинова "Дўстлик" ордени, 1-сон акушерлик ва гинекология кафедраси профессори Гулжаҳон Бобожонова "Меҳнат шуҳрати" ордени, коммунал ва меҳнат гигена кафедраси профессор маслаҳатчиси, академик Тўлқин Искандаров "Фидокорона хизматлари учун" ордени, 2-сон факультет ва госпитал жарроҳлик кафедраси мудири Миршавкат Акбаров "Дўстлик" ордени, Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникаси неврология катта ҳамшираси Клара Мирсагатова "Шуҳрат" медали билан тақдирланган. Академия ўқув ишлари бўйича проректори Шуҳрат Боймуродов, урология кафедраси доценти Жалил Мирҳамидов, асаб касалликлари кафедраси профессори Саодат Аслановалар эса Ўзбекистон соғлиқни сақлаш аълочиси фахрий унвонига сазовор бўлишган. Шунингдек, умумий ва болалар жарроҳлиги кафедраси мудири Алишер Охунов "Энг яхши профессор" номинациясида, атроф-муҳит гигенаси кафедраси мудири Феруза Саломова "Энг яхши доцент" номинациясида, травматология, ортопедия, ҳарбий дала жарроҳлик ва нейрожарроҳлик кафедраси профессори Саодат Асилова "энг яхши илмий тадқиқотчи" номинациясида ўзларини ниҳоятда тенгсиз эканликларини тўла намойиш эта олди.

— Биласизми, илм даргоҳида ҳамда унинг Фарғона, Урганч, Термиз филиалларида фаолият олиб бораётган ҳар бир устоз ўз шогирдининг келажак тақдирига бефарқ, лоқайд муносабатда бўлишни ўзига сираям эп кўрмайди, — дейди Тошкент тиббиёт академияси матбуот котиби, фалсафа фанлари доктори Суҳроб Норқулов биз билан суҳбатда. — У мудом ўз билимини, борини талабаларга юқтириш, ўргатиш пайида бўлади. Қолаверса, инсондаги қобилиятни камолга етказиш фақатгина рисоладагидек тарбия билан амалга оширилади. Шунинг учун академиядаги устозлар сафи ёш, илмли мутахасислар билан тўлдириб бориляпти.

### Ҳар кишининг таъби бирла ҳалати

Бугун ҳамма соҳада ҳам янгиланиш, ошкоралик, фикр ва сўз эркинлиги бўй кўрсатмоқда. Миллий маданиятлари кўҳна ва бой аънанага эга бўлган иқтидорлар ўз талантларини омма олдида намойиш этишга зўр бериб ҳаракат қилмоқда. Буни қаранг, бу навниҳоллар бундан аввалги ёшлар каби, қисиниб-қимтиниб, қўрқиб-писибгина эмас, аксинча дадил, мардона туриб ўқишни ҳам, жамоат ишларини ҳам қойиллатиб уддаламоқда. Бу жараёнда, ҳар йили канда қилмасдан, доимий тарзда ўтказиб туриладиган турли мусобақа, олимпиада ва беллашувларнинг аҳамияти катта. Мана, масалан ўтган йиллар давомида академия талабалари турли йўналишдаги фан олимпиадаларида мунтазам тарзда қатнашиб, ғолиблик нашидасини суришди. Даволаш факультети 6-курс талабаси Сирожбек Хўжабеков биринчи ўринга, даволаш факультети 6-курс талабаси Шаҳноза Охунова иккинчи ўринга, тиббий педагогика факультети 6-курс талабаси Саидазизхон Саидаҳмадов иккинчи ўрин, тиббий педагогика факультети 6-курс талабаси Чарос Рустамова биринчи ўринга, даволаш факультети 6-курс талабаси Мафтуна Ахтамова биринчи ўринга, даволаш факультети 3-курс талабаси Шоҳунур Шокиров учинчи ўринга лойиқ топилди. Бундан ташқари даволаш факультети талабаси Шаҳзод Шамшиев М.В. Ломоносов номидаги Москва давлат университети Тошкент филиалида ўтказилган танловнинг "Энг яхши маърузачи" номинациясида биринчи ўринни банд этди. Аслидаям бор иқтидорни юзага чиқаришда бу сингари мусобақаларга етадигани йўқ.

Одатда, мамлакат ёшлари бошини бир жойга қовуштираётган бундай беллашув, олимпиада, мусобақалар таъбир жоиз бўлса, ҳам дўстлашув, ҳам кўрик, ҳам байрам, ҳам имтиҳон, ҳам "чиғириқдан ўтиш амали" бўлиб келмоқда. Зеро, бу синовларда Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳазратлари лутф этганидек, "Билингай ҳар кишининг таъби бирла ҳалати..."

Қолаверса, неча-неча истеъдодларни, тоза ва зилол сувли булоқларни, ёрқин иқтидор соҳиби ва соҳибаларини ана шундай беллашувлар юзага чиқармоқда. Шу ўринда, бундай ёшларни, бўлғуси шифокорларни "илк қалдирғочлар" дегим келади.

### Ҳамкорлар ҳам ўрганади, ҳам ўргатади

Одатда халқаро ҳамкорлик, ўзаро борди-келдидан кўзда тутилган асосий мақсад, бир-бириридан билмаганларини ўрганиш, янги, замонавий таълим йўналишларини солиштириш, чоғиштиришдан иборатдир. Шунинг учун ҳам сўнгги йилларга келиб бу масалага давлатимиз томонидан жиддий эътибор қаратиб келмоқда. Биргина ана шу саъй-ҳаракатлар туфайли Тошкент тиббиёт академияси билан ҳамкорлик қилишни дилига туккан олий даргоҳлар сони бирданига 14 тадан, 63 тага кўпайди. Бундан албатта, илм даргоҳи жамоаси ҳар томондан ютмоқда.

С.Д. Асфандияров номидаги Қозоқ миллий тиббиёт университети, Марат Оспанов номидаги ғарбий Қозоғистон тиббиёт университети, Караганда тиббиёт университети, Озарбайжон тиббиёт университети, Германия халқаро ҳамкорлик жамияти, Тиббиёт фанлар университети (Туркия), Беларусь давлат университети, Ўш давлат университети (Қирғизистон), Ибн Сино номидаги Тожикистон давлат тиббиёт университети, Корея соғлиқни сақлаш саноати ривожлантириш институти, Таи Нгуен тиббиёт ва фармация университети (Вьетнам), Шарқий-Рига университети клиникаси (Латвия), Страдьня номидаги Рига университети (Латвия), И.М. Сеченов номидаги Москва Биринчи давлат тиббиёт университети, Санкт-Петрбург давлат педиатрия тиббиёт университети, Озарбайжон тиббиёт университетлари билан ҳамкорликни ана шулар жумласига қўшиш мумкин. Бу борадаги борди-келди, ўрганиш аънаналари бундан кейин ҳам доимий тарзда давом этади. Аҳамиятлиси шундаки, хорижнинг етакчи тиббиёт муассасалари билан ҳамкорликда Тошкент тиббиёт академияси қошида учта марказ ташкил этилди. Корея Республикасининг Корё университети билан биргаликда тадқиқот лабораторияси, Корея соғлиқни сақлаш саноатини ривожлантириш институти билан ҳамкорликда халқ табобати маркази, И.М. Сеченов номли Биринчи Москва давлат тиббиёт университети билан ҳамкорликда олий таълим муассасалари аро марказлари ташкил этилиб, улар етарли миқдорда замонавий техник қурилмалар билан жиҳозланди. Қозон давлат тиббиёт университети билан ҳамкорликда "даволаш иши" йўналиши бўйича бакалавриат қўшма таълим дастури, Корё университети (Корея) билан биргаликда "Атроф муҳит ва инсон саломатлиги" магистратура қўшма таълим дастури амалга оширилмоқда.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, илмнинг йўли жуда ҳам чексиз ва айни маҳалда ғуж-ғуж хазиналарга кон. Бу ҳақиқатни Тошкент тиббиёт академиясининг кўп сонли жамоаси устозлари ич-ичидан тўла ҳис этади. Шунинг учун ҳам, мазкур илм даргоҳида сабоқ олиб, катта ҳаётга учирма бўлган мутахассислар эл-юрт саломатлиги учун доимо камарбаста бўлиб келмоқда.

**Улуғбек ЖУМАЕВ,**
*"Оила даврасида"*
*мухбири*

**У дарсдан жиғи-бийрони чиқиб келди. Онасининг ҳай-ҳайлашига қарамай, ўз хонасига беркиниб олди. Кечагина бахтдан масрур юрган қиз, бугун ғамгинлик қаърига отилган, ҳеч ким билан гаплашгиси келмас эди. У нимадандир хавотирда, юз-кўзидан бирор аянчли ҳодиса рўй бергани яққол сезилиб турарди. Уйдагилари билан иши йўқ, фақат қўлидаги телефони унинг овунчоғига айланган...**

# БОЙЛИК ОРТИГА БЕКИНАЁТГАН ОНАЛАР

## қизингиз қалбига қачон қулоқ тутдингиз?!



Бу каби воқеалар ҳеч кимга бегона бўлмаса керак. Ё балоғатга етган қиз, ёки ота-она сифатида бу ҳолатни бошдан ўтказганлар оз эмас. Қизининг юриш-туришидаги ўзгаришлар, фарзанди кайфиятининг об-ҳаво сингари тез-тез ўзгариб туриши, жавобсиз қолдирилган саволлар қайси онанинг дилини вайрон қилмайди, дейсиз? Она фарзанди келажаги ҳақида ўй сура бошлайди, қизининг фикрларини, ўй-хаёлларини англамоқ йўлларини қидиради, тарбия бериш жараёнида қаерда хато қилдим, дея ўзини айблай бошлайди...

### Палахмон тош тақдири

Қиз бола — палахмон тоши дейишади. Эртага келин бўлиб борган хонадонига файз олиб кириб, берган тарбияси ортидан ота-онасига раҳмат еткизадиган қиз ўстиришни қайси она орзу қилмайди, дейсиз. Бироқ қалбдаги хоҳиш доим ҳам ҳаёт аксига кўчавермайди. Фарзанди туфайли бошидан раҳмат ёмғири ёғилишини хоҳлаган ота-она, аввало, тарбия борасида адашмаслиги, ҳаёт ташвишларидан ортиб, дилбандига вақт ажрата билиши зарур. Қиз боланинг тарбияси эса ўзида қуёшни экс эттириб омонат турган шудринг томчисига ўхшайди.

Халқимизда "Бир қиз асрагандан, бир қоп ун сақла" деган мақол топиб айтилган, аслида. Унинг замиридан қиз бола тарбияси нозик эканлиги, агар тарбия жараёнида оз бўлса-да, хатоликка йўл қўйилса, кўплаб салбий оқибатларга олиб келиши мумкинлиги англашилади. Айниқса, қиз боланинг балоғатга етиш даври ўзи учун ҳам, онаси учун ҳам бироз эътиборни талаб этади. Бу жараённи ҳамма ҳар хил бошдан ўтказади: кимдадир балоғат давридан ўтиш осонлик билан кечса, кимлардир бу пайтда кўплаб муаммолар гирдобига тушиб қолади.

Ўсмир қизлар кўп ҳолларда имкон қадар ўз хонасида ёлғиз қолишга, оила аъзолари назаридан четроқда бўлишга, ўз ўй-хаёллари билан машғул бўлиб вақт ўтказишга интилиб қолади. Суҳбатлашса ҳам, асосан, ўз тенгдошлари, яқин дугоналари билангина мулоқотда бўлиб, ўз ота-онаси билан имкон қадар камроқ гаплашиб, ўзи билан ўзи овора бўлиб қолади. Айни вақтда, ўсмирлик даврида кузатиладиган бу ҳодисаларнинг асл сабабини тушунмаган оналар уларнинг бундай ҳолатидан хавотирланиб, улар билан олдингига қараганда кўпроқ қизиқиб қоладилар. Бошқача айтганда, уларнинг психологиясига "бостириб кирадилар". Буни эса аксарият ўсмир қизлар ёқтирмайди. Негаки, ўз оила аъзолари томонидан ортиқча терғаш, назоратни кучайтириш, уларнинг наздида, "Онамнинг менга бўлган ишончи йўқ экан, оиламдагилар менга ишонмайди" каби салбий фикрларни юзага келтиради. Бундай ҳолатлар ўсмир қиз ва унинг ота-онаси ўртасидаги ўзаро муносабатларида келишмовчиликлар, низоларнинг юзага келишига асос бўлиши мумкин.

Балоғат даврида ўсмир қизларнинг "мен"и қайтадан шаклланади, улар ўз шахсиятига алоҳида эътибор бера бошлайди. Хусусан, соч турмакларини ўзгартириш, пардоз қилиш, кийиниш услубини янгилаш каби янги ғоялар пайдо бўлиб, бу уларнинг ўз ташқи қиёфасидан қониқмаслиги натижасида юзага келади. Баъзилар ойнага ҳаддан ташқари кўп қарайдиган, юзида пайдо бўлган ҳуснбузарлар сабабли "Мен хунукман" деган фикрни ўзига сингдириб, атрофидаги қизлар билан ўзини таққослашни бошлайди. Агар мактабидаги бирор йигит ўсмир ёшдаги қизни яхши кўриб қолганини сезгудай бўлса, гўёки уни бошқалар ёқтирмайдигандай, ўша йигитга кўп эътибор берадиган бўлиб қолади, вақтини у билан ўтказишга ҳаракат қилади. Айнан, йигитлар севгисига алданиб қолиш ҳоллари ҳам қизларнинг балоғат даврида кўп кузатилади, чунки бу давр - меҳрга ташна, биргина ширин сўзга муҳтож давр ҳисобланади.

Агар қиз бола оила аъзолари томонидан ўзи етарлича меҳр олмаса, ўзини ёлғиз сезса, эътибордан йироқда ҳис қилса, меҳрни атрофдан, ўзгалардан излай бошлайди. Ҳар қандай ҳолатда ҳам — хоҳ у моддий эҳтиёжмандлик бўлсин, хоҳ маънавий муҳтожлик бўлсин, аёлнинг муҳтожлиги уни ўзи зориққан нарсага қарам қилиб қўяди. Ота-онаси, яқинларидан ширин сўз, кўнгил кўтарувчи ҳақиқий маънавий қувватни ололмаган қиз бегоналарнинг сохта меҳрига учиши ҳеч гап эмас. Оқибатда, ўзи билиб-билмай қалтис йўлга кириб қолиш, алданиш, ҳатто номус ва шаънга тааллуқли хунук ҳодисаларга сабабчи бўлиб қолиши мумкин. Борингки, ундай нохуш вазиятларга тушмаганида ҳам, меҳрга зориқиб ўсган қиз атрофидагиларга нисбатан эътиборсиз бўлиб қолиши, қалби қаттиқлашиб кетиши мумкин. Шунинг учун, балоғат даврини бошдан ўтказаётган қизига, аввало, она аввалгидан кўра эътиборлироқ бўлиши, айрим ҳаётий юмушларни четга суриб, фарзандига кўпроқ вақтини ажратиши зарур.

### Қизингизда кимни кўряпсиз?

Ҳаётда адашган қизларимизни айблаш, ҳаёти нотекис кечаётганини юзига солиш билан гўёки унга вақтида беролмаган тарбиямизни тўлдирмоқчи бўламиз. Аммо фурсати кечиккан "насиҳат"ларимиз туфайли ўз ёғига қовурилиб ётган қизимизнинг дардига малҳам бўлолмаймиз. Яқинларидан меҳр-муҳаббат, маънавий қувват ололмаган қиз эса четдаги "меҳрли нигоҳ"лардан таскин истайди. Оқибатда, уларнинг яна бир янглиш йўлга қадам босиши, юрагига яна бир ўқ қадалишига сабабчи бўламиз.

Шу ўринда, бир ҳаётий мисол: Холида айни балоғат даврида ўзидан уч ёш катта йигитга кўнгил қўйди. Йигитда ҳам қизга бўлган муҳаббат уйғонди. Бир неча ой улар гаплашиб; учрашиб юрдилар. Кунларнинг бирида, қиз йигитга қўнғироқ қилиб, учрашишни таклиф қилди. Бироқ бола вақти йўқлигини айтиб, кўришишни бошқа кунга қолдирди. Аксига олиб, онаси ҳар куни ишда, кўнглини ёзишга, қалб сўзларини эшитмоққа бир ҳамсуҳбат керак. Бу пайтда Холида яқин дугонаси билан кўришмоққа келишиб, истироҳат боғига йўл олди. У учрашув белгиланган жойда ўртоғини кутиб турганида, яхши кўрган йигити бошқа бир қиз билан қўл ушлашиб юрганига кўзи тушади. Бу ҳолатга, хиёнатга бардоши етмай, уйига бориб, ўз жонига қасд қилмоқчи бўлади. Яхшиямки, Аллоҳнинг инояти билан омон қолади...

Баъзан қиз болаларнинг тарбияси ҳақида ёқимсиз гаплар қулоққа чалинса, "эҳ, қиз боланинг дарди оғир", деб қўямиз афсус билан бош чайқаб. Балоғат ёшидаги қизларнинг одоб-ахлоқи, юриш-туриши хусусида салбий гапларни эшитганимда, ўша қиз улғаётган оиладаги маънавий муҳит, ота-онасининг маънавий қиёфаси ҳақида ўйлайман. Сир эмас, бугун аксарият ота-оналар мол-давлат йиғишга муккасидан кетган, кўп пул топиш учун кечаю кундуз ишлашга ҳам тайёр. Сабабини сўраганингизда, "Фарзандларимнинг келажаги учун, улар нимадандир кам бўлмасин", дея жавоб беришади. Йўқчиликнинг давоси топилади, аммо қалб кемтиклигининг ўрнини тўлдириш мумкинмикан?

Айрим оналарни кўрамиз, интернетдан ўзига ёққан кийимни қидириш, буюртма бериш билан овора, тўй-ҳашам деса, оёғини қўлига олиб югуришади. Қизи билан суҳбатлашишга эса вақти йўқ, ёки ишдан, ё базмдан чарчаб келган бўлади. Агар фарзандида асабийлик ҳолатини кўрса, баҳоларида ўзгариш бўлса, нуқул терғаш, ҳатто унга қўл кўтаришгача боради. Онажонлар, ахир, сиз ҳам шу ёшингизда онангизнинг бағрига талпинмаганмисиз? Кўз ёшларингиз болишни намлаганда, бир дардкаш инсон йўлларига зор бўлмаганмисиз?!

Дарҳақиқат, ўсмирлик даврида қиз болалар ўта сирли, дилидагини тилига чиқаришни истамайдиган бўлишади. Ўз ҳолатини, яширин ҳисларини онасига айтишга ийманишади, муаммоларини тенгқур дугонасига айтиш учун ошиқади. Бу, албатта, нотўғри. Ҳали ёш, тажриба кўрмаган, ўзи маслаҳатга муҳтож қиз қандай қилиб ўзи тенги ўртоғига йўл-йўриқ кўрсата олади. Бу пайтда дўст танлашда адашмаслик ҳам муҳим. Она қизининг яқин дугонаси кимлигини билиши, кимлар билан ҳамсуҳбатлигидан хабардор бўлиши зарур. Негаки, атрофимизда яқин дугонам деб сир бой бериб, унинг айтганларига қулоқ тутиб, ҳаётда кўп адашган ўсмир қизлар йўқ эмас.

Қиз бола қачон онасига дардини айта олади? Қачонки болаликдан она-бола мулоқоти

йўлга қўйилган бўлса, она фарзандининг ишончини қозонган бўлса. Шунинг учун, оналар қизлари билан бола пайтларидан дўст тутинишлари, ўзаро дилдан суҳбатлашишлари керак. Агар қиз фарзанд онасининг қалбан яқинлигини ҳис қилса, меҳрини туйса ҳеч қандай сирни онасидан яшира олмайди, қандай муаммога дуч келса, волидасидан маслаҳат олишга ошиқади.

**Балоғат турмушга чиқиш ёши эмас**

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуфнинг "Бахтиёр оила" китобида келтирилишича, бола ота-онаси ҳузуридаги омонат бўлиб, унинг қалби покиза гавҳардир. У ҳар қандай нақшни қабул қилаверади. Агар яхшиликка ўргатилса, ўшандай ўсади... Унга яхши ахлоқларни ўргатсин, уни ёмон болалардан сақласин, ўткинчи лаззатларга қизиқишга одатлантирмасин, уни зеб-зийнатга ружу қўйишга қизиқтирмасин. Токи катта бўлганда зеб-у зийнат ортидан юриб, умрини зое қилмасин.

Демак, хоҳ у қиз бўлсин, хоҳ ўғил, фарзандни болалигидан тарбиялаш керак. Бугунги кунда айрим оналарнинг фикру ёди қизини бой-бадавлат хонадонга узатиш, унинг сандиғини турли-туман кийиму тақинчоқлар билан безатиш бўлиб қолди. Нима эмиш, келин борганда, одамлар, аввало, унинг сепига назар солишар экан. Инсонларнинг бир-икки кунлик назари дея, қиз болага эпли бўлишни, одоб-ахлоқни, эртанги ҳаёт олдидаги масъулиятни тушунтиришни баъзи оналар унутиб қўймоқда. Ундан кўра, вояга етаётган қизини касб-ҳунарга ўргатса, илмли бўлиши учун шароит яратиб берса, келажакда ўзи учун ҳам, оиласию жамият учун ҳам фойдали бўлмайдими?

"Ҳозир айрим ота-оналар ҳали балоғат давридан ўтаётган қизини эрта турмушга бермоқда. Бироқ қиз боланинг барвақт турмуш қуриши руҳий ўзгаришларга сабаб бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Бир оилавий муҳитдан иккинчи муҳитга тушиб қолган қизга атрофдагилар етарлича ғамхўрлик кўрсатмаса, унинг асаб тизими ишдан чиқиши, баъзи аъзоларининг функцияси бузилиши, организм иммунитети пасайиб, турли юқумли касалликларга чалинувчанлик ортиши кузатилади. Шунинг учун, оилавий ҳаётга тайёр бўлмаган қиз болани балоғат даврида турмушга бермаслик керак. Аксинча, балоғат даври қиз болани оилавий ҳаётга тайёрлаш пайти ҳисобланиб, она фарзандига бу даврда маънан, жисмонан, руҳан кўникма бериши, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши зарур", - дейди психолог Дилафруз Расулова.

Сир эмас, ўсмир ёшдаги қизни гинеколог кўригидан ўтказишга айрим оналар андиша қилади. Аслида, бунинг ҳеч уяладиган жойи йўқ. Албатта, уни кўрикдан ўтказаётганингизни бировга овоза қилиш ҳам шарт эмас. Ўсмир ёшдаги қизингизнинг тўғри ривожланиши унинг келажак ҳаёти, ҳомиладор бўла олиши, соғлом фарзанд дунёга келтира олиши учун муҳимлигини унутманг. Гинекологларнинг таъкидлашича, кўпгина оналар гинеколог-шифокор маслаҳатига фақат қизлари турмушга чиққандан сўнггина зарурат бор, дея хато ўйлашади. Натижада, балоғат ёшидаги қизларнинг айрим касалликлари назардан четда қолиб, ўз вақтида даволанмаслиги боис, ҳар хил хатарли асоратларга, жумладан бачадон ёки тухум йўлларининг қайрилиб қолишига олиб келади. Шу сабабли, йилда бир бора бўлса-да, қизингиз билан болалар гинекологи кўригига бориш тавсия қилинади.

Масалан, Швецияда 8-синфдан бошлаб ўқувчиларга "Болалар ҳақида" деган фан ўтилади. Улар бу фан орқали оила қуриш, ҳомиладорлик, жинсий йўл билан юқадиган касалликлар, бола тарбияси ва балоғат ёшида ўсмирлар билиши зарур бўлган барча маълумотларга эга бўладилар. Хўш, бизнинг таълим тизимимизда мана шундай тарбия дарслари қанчалик йўлга қўйилган?

Халқ таълими вазирлиги етакчи мутахассиси Сирожиддин Бўриевнинг таъкидлашича, шу йилдан бошлаб маънавият асослари, динлар тарихи, ватан туйғуси, одобнома каби фанлар бирлаштирилиб, ягона "Тарбия" фани ўқитилади. Бундан мақсад, фанлар шунчаки мавзулардан иборат бўлиб қолмай, дарсликлар ҳаётий мисоллар, замонга мос долзарб масалаларни ўз ичига олган ҳолда тузилади. Ўқувчи ёшларга бу фан орқали экологик, ҳуқуқий ва оилавий тарбия, жамоатчилик орасида ўзини қандай тутиш, комил инсон қандай бўлиши кераклиги ҳақида тушунчалар берилади. "Тарбия" фанида турли машғулотлар ҳам олиб борилади, ўқувчи бевосита ота-она билан суҳбат жараёнида жавоб олинадиган саволлар, топшириқлар уйга вазифа сифатида берилади. Ўйлаймизки, оталар бу жараёнларда фаол иштирок этишади.

Қиз болани қўпол гапириб, ножўя сўзлар билан ҳақоратлаб бўлмайди. Бу момоларимиздан қолган минг йиллик тарбия усули. Доимий равишда дағал муомала кўрган қиз, юзи қаттиқ, беҳаё ва уятсиз бўлиб улғайиши мумкин. Кўпчилик ота-оналар қиз боласини кичиклигиданоқ ҳунук сўзлар билан ҳақоратлаб, урибсўкиб ўстиради-ю, бўйга етган қизи сурбетларча гап қайтарса ёки ножўя йўлларга кириб кетса "Уруғимизда бундай аёллар бўлмаганди-ку, бу яшшамагур қиз кимга тортди-я?!" деб фиғони фалак бўлади. Шу ҳолат бошимиздан ўтмаслиги учун, кун келиб, фарзандимизга берган тарбиямиз хатосининг жабрини тортмаслигимиз учун, бугундан, қизимизга дўст тутинишимиз керак.

Онажонлар, охирги маротаба қачон қизингиз сочларини силаб, уни яхши кўришингизни, унингсиз ҳаётингизни тасаввур қилолмаслигингизни айтдингиз? Қачон қалбида кечаётган туйғулари билан ўртоқлашдингиз? Сизни кўзлари порлаб, қалби меҳр чашмасига чанқаб турган қизингиз кутмоқда. Уни кучинг... уни эркаланг... қалбига қулоқ тутинг...

**Маҳфуза ПЎЛАТОВА,**
*"Оила даврасида" мухбири*

# «ҚАРИЯ»



Эргаш амаки узоқ йиллар йўл қурилиши участкасига бошчилик қилиб, давлат томонидан берилган коттеж уйда яшаб келди. Бирин-кетин ўғилларини уйлагач, қўшимча уй-жой қуриш ҳаракатида сарф-ҳаражатлар учун давлат банкига мурожаат қилди. Лекин ариза бергач, ажратилган кредит маблағини олиш учун кўп қатнади.

Эргаш амакининг давлат банкига кейинги сафар ташрифида оқ-сариқдан келган, узун соқолли киши ҳассасини тўқиллатиб кириб келди. Кексалар бизда доимо ҳурматда эканлиги сабаб банк идорасининг пул тарқатиш бўлимидагилар отахонни кўп куттирмай, унинг ҳожатини чиқаришди. Кейин эса эшиккача кузатиб қўйишди. Отахон Эргаш амакига танишдек туюлгани учун унинг ортидан ҳовлиқача эргашиб борди:

— Сизни кимгадир ўхшатяпман, — деди у истиҳола билан. — Мабодо менинг қўлимда қоровул бўлиб ишламаганмидингиз?

— Йўқ, ҳали мен қарилик нафақаси олмайман.

— Ундай бўлса ёшингиз нечада? — сўради Эргаш амаки овозини пасайтириб.

— Бир кам олтмишдаман, — деди у қўлидаги ҳассани йўлакнинг бир четига улоқтиркан ва хайр-хўшни ҳам насия қилиб жўнаб қолди. Эргаш амаки ҳайрон бўлганича "қария" ортидан узоқ вақт тикилиб қолди. Кейин банкнинг пул тарқатиш бўлимига қайтиб келгач:

— Қачонгача бизни овора қиласизлар? — сўради у тутақиб. — Ахир, ҳозиргина кредит олган "қария" мендан беш-олти ёш кичик экан-ку. Сизларга қандай узунлиқдаги соқол керак? — деди жаҳл билан ва ҳужжатларини стол устига қўйди. Шу гаплардан сўнг пул тарқатиш бўлимидагилар кўпчилик ўртасида ўнғайсизланиб, Эргаш амакининг ҳожатини чиқаришга киришишди.

# «УЙИНГ КУЙСИН»

Маҳалла фуқаролар йиғини раиси Омон амаки ва мактаб директори Содиқ Ахмедовларнинг суҳбатлари анча узоққа чўзилди. Мактаб раҳбари соддалик қилиб, чой устида боғча мудираси бўлиб ишлаб келаётган турмуш ўртоғининг "тадбиркор"лигидан сўз очиб қолди. Таниш-билишчилик орқасида катталар учун мўлжалланган чойшаблар келтирилгани-ю, уларни тенг иккига бўлиб, эр-хотин бир нималик бўлиб қолаётгани ҳақида "гуллаб" қўйди. Орадан кўп вақт ўтмай раис боғча тарбиячилари билан бўлган бир йиғинда:

— Ораларингизда болалар ҳақидан қўрқмай, чойшабларнинг ярмини ўз фойдасига ўмараётган кимсалар бор, — деди у дабдурустдан. — Вақт-соати келиб бунинг охирига етамиз.

Ўша куни боғча мудираси уйига нохуш кайфиятда кириб келди. Кечқурун Содиқ Ахмедов хотинининг аллакимларни қарғаётганини эшитиб, сўради:

— Ҳа, нима гап, хотин?

— Чойшабларнинг тенг ярмини уйга олиб келиб қўйганимни кимдир раисга етказибди, — деди хотини хуноби ошиб. — Илоё ким айтган бўлса, уйи куйсин!

— Эй, хотин, эҳтиёт бўл, — деди эри негадир шивирлаб. - Яна ўзимизнинг уйимиз куйиб кетмасин.

**Абдулла САИДОВ**

# «ОЖИЗ» КЎЗЛАР



Мухтор автоҳалокатга учрагач, аҳволи оғир бўлиб қолди. Нафақат оғир, балки боши берк кўчага кириб қолди. Икки кўзи кўр бўлиб, дунёдан узилиб қолди.

Бу орада аёли ҳам ташлаб кетди.

Йўқ, у сиқилмади. Фақат унинг ташвиши кўзларида эди. Яқинлари ҳасса олиб беришди, бўлмади. Ҳассага кўника олмади. Йўлбошчи ит топиб келишди, бироқ итга ҳам ўргана олмади. Кўксида аллақандай туйғу уни кенгликларга чорлар эди.

Кўзлари кўрмай қолган кундан бошлаб йиғламади. Фақат ичини ғам кемирди. Кўзлари дунёдан узилиб қолган бўлса ҳам бир нарсани аниқ билар эди, яшаш учун кўрмоқ шарт эмас.

Кўнгил кўзлари очила бошлади. Яратганнинг ўзи унга осон этди. Тез орада шундай қобилиятини кашф этдики, у нарса ва буюмларга яқин бораверса сеза олар эди. Ҳа-ҳа, у сеза олар эди. Кўча бўйлаб тез-тез кетаётганини кўрганлар "унинг кўзлари кўра бошлабди", дер эди.

Кунларнинг бирида у навбатдаги сайрга отланди. Онаси "қаерга?" деб сўради. Кўнглимга бораман, деб жавоб қилди. Ҳайрон қолишмади. Билишар эди, тепаликка кетяпти.

Тепаликдаги ҳар кунги ўрнига ўтирган Мухтор уфққа сингиб бораётган қуёшга қўл силкитар эди. Гўёки унинг кўзлари кўриб турар эди.

Яқин орада ўтлар шивирлайди.

— Ким у?

Атрофига аланглайди.

"Бу биз"дегандек жуфт кабутар унинг атрофида чарх уради.

Мухтор табассум қилади.

— Ҳеч хижолат бўлманглар. Мен сизларни кўрмадим, сизлар эса мени кўрмадингиз. Манамана ростдан қарамаяпман.

Юзини кафти билан тўсади.

— Бахтинг борида ўйна-кул экан. Эртани ҳеч ким билмайди.

**Нуриддин ЗИЁ**

# КОРОНАВИРУС

## Таҳдид, ваҳима ва... йўқотишлар

**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги томонидан 2020 йилнинг 2 март куни олинган расмий маълумотларга кўра, дунё бўйича COVID-19 коронавирус инфекцияси тасдиқланган фуқаролар сони 89 066 нафарни ташкил этмоқда, касалликдан 3 045 нафар фуқаро вафот этган.**

Хитой Халқ Республикасидан ташқари коронавирус дунёнинг 64 давлатида 8 892 та ҳолатда қайд этилган.

Касалликнинг 2 март куни (бир кунлик) ўсиши Хитойда 206 нафар  (0,25 %), бошқа давлатларда эса 2084 нафар (23,4 %) ни ташкил этди.

Жанубий Кореядан чартер рейс билан олиб келинган фуқаролар Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тавсиясига кўра 14 кун муддат (касалликнинг яширин даври) давомида тиббий кузатувга олиш учун махсус тайёрланган муассасаларга жойлаштирилди. Фуқаролар кунига 2 маҳал тиббий кўрикдан ўтказилмоқда. Коронавирус инфекцияси касаллиги аломатлари аниқланмади.

Маълумот учун: 1 март куни Тошкент халқаро аэропортига хорижий давлатлардан 28 та рейс орқали 4 422 нафар, темир йўллар орқали 5 та поездда жами 702 нафар шахс, шунингдек, давлат чегара божхона постлари орқали 1 816 та автотранспортнинг эгалари ва 40 654 нафар йўловчи шахслар термометриядан ўтказилди. Хитой Халқ Республикасидан 21 нафар Хитой фуқароси ва 7 нафар Ўзбекистон фуқароси, шунингдек Жанубий Кореядан 7 нафар Ўзбекистон фуқароси келган бўлиб, уларнинг борадиган манзиллари аниқланиб, саломатлик ҳолати устидан тиббий кузатув ташкил этилди.

Эпидемиологик кўрсатмага асосан, жорий йилнинг 2 март кунига қадар Ўзбекистонда жами 1 478 та намуна COVID-19 коронавирус инфекциясига текширилди, уларда мазкур инфекция аниқланмади.



### ЖАНУБИЙ КОРЕЯ БИЛАН АВИАҚАТНОВЛАР ҚИСҚАРТИРИЛДИ

COVID-19 коронавирусининг Ўзбекистон ҳудудига кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш мақсадида мамлакатимиз Транспорт вазирлиги Корея Республикаси авиация идоралари ва компанияларини 2020 йилнинг 1 март кунидан бошлаб икки мамлакат ўртасидаги авиақатновларда вақтинчалик чеклаш чоралари жорий қилиниши тўғрисида расман хабардор қилди.

Ташқи ишлар вазирлиги матбуот хизмати хабарида қайд этилишича, авиақатновлар сони ҳафтасига 1 та рейсгача қисқартирилади. Жанубий Кореядан Ўзбекистонга келувчи йўловчилар учиб келишлари билан 14 кун давомида карантинда бўлиб турадилар.

Коронавирус тарқалиши билан боғлиқ вазиятнинг барқарорлашиши билан икки давлат ўртасидаги авиарейслар сони қайта тикланади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги матбуот хизмати тарқатган хабарга қараганда, 1 март куни Uzbekistan Airways авиакомпаниясининг HY514 рейси билан Сеулдан 182 нафар Ўзбекистон фуқаролари олиб келинган.

Самолёт бортида 253 нафар йўловчи бўлган. Уларнинг 231 нафари (182 ўзбекистонлик ва 49 нафар хорижлик) коронавирус Ўзбекистонга кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш, хавфсиз санитария-эпидемиологик ҳолатни таъминлаш ҳамда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш мақсадида махсус тайёрланган тиббиёт муассасасига жойлаштирилиб, икки ҳафта давомида карантинда сақланади. 22 нафар транзит йўловчилар эса белгиланган тартибда изоляция қилиниб, кейинроқ Uzbekistan Airways авиакомпанияси рейси орқали ўз мамлакатига учиб кетди.

Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги Хитой билан бир қаторда Корея Республикаси, Япония, Эрон, Италия ва баъзи бошқа давлатларда беморлар сони ортаётганини маълум қилиб, хизмат, туризм ва бошқа мақсадларда хорижга чиқишни режалаштираётган ҳамюртларни сафардан олдин соғлиқлари учун таҳдидларни диққат билан ўйлаб кўриш, мамлакатдаги эпидемиологик ҳолатни ўрганиш ва сафар чоғида шахсий гигиена қоидаларига қатъий риоя қилишга чақирди.

### ХИТОЙДА КАСАЛХОНА ЁПИЛДИ

Хитой ҳукумати Ухань шаҳрида коронавирус тарқалган кезлари барпо қилган биринчи касалхонани ёпишга қарор қилди. Чунки касалхонада бирорта ҳам бемор қолмаган, деб хабар бермоқда Reuters.

Хитой ҳукуматининг маълум қилишча, охирги бемор COVID-19 пневманиясидан тузалиб кетгач, касалхонани ёпишга қарор қилинган. Мазкур касалхона Ухань шаҳрида коронавирус тарқалгандан кейин қурилган биринчи касалхона ҳисобланади, бундай касалхоналар шаҳарда 16 та.

Ҳозиргача дунё бўйича коронавирусга чалинган 45 мингдан кўпроқ бемор тузалиб кетган.

### КУРАШИШНИНГ ОДДИЙ УСУЛИ

Германиялик экспертлар коронавирусни йўқ қилиш учун қўлни совунлаб ювиш кифоя, демоқда. Юзни ниқоб юилан тўсиб юриш вирусдан етарли даражада ҳимоя қилмайди, деб баёнот берди "Charit? Berlin" клиникаси ҳузуридаги атроф-муҳит гигиенаси ва тиббиёти институти раҳбари Петр Гастмайер.

"Қўлни ҳафсала билан совунлаб ювиш вирусни ўлдириш учун етарлидир. Албатта, сафарга чиққанда ҳар доим ҳам сув бўлмаслиги мумкин. Шунинг учун ёнингизда дезинфикциялайдиган восита солинган кичик шиша идиш олиб юринг", деди у.

Эксперниннг айтишича, ниқоб "тиббий муассасалар ходимлари учун керак. Чунки улар беморлар билан мулоқотда бўлади, лекин бошқалар учун ниқоб тақиб у ёқдан-бу ёққа кезиб юришнинг маъниси йўқ".

### МАККА ВА МАДИНА ВАҚТИНЧА ЁПИЛДИ

Саудия Арабистонида дунё бўйлаб коронавирус эпидемияси тарқалиши сабабли зиёратчилар учун Макка ва Мадинага киришни вақтинча ёпишга қарор қилинди. Бу ҳақда қироллик ташқи ишлар вазирлиги маълум қилди.

Таъкидлашинича, эпидемия авж олган мамлакатлардан келганлар учун сайёҳлик визаларига кириш тўхтатиб қўйилади. Қарорни дунёнинг нуфузли исломий тузилмалари ва уламолари қўллаб-қувватлади.

"Собрание" Россия маданий-маърифий ташкилотлари уюшмаси раҳбари Мухамед Салаҳетдинов, ўз навбатида, Муҳаммад алайҳиссалом даврларида одамларни юқумли касалликлардан ҳимоя қилиш учун карантин жорий этилганини таъкидлади.

"Агар бирон мамлакатда ўлат ёйилганини эшитсангиз, у ерга борманг. Агар у сиз турган ерга ёйилган бўлса, ўша ердан қочиб кетманг", - деди Россия мусулмон етакчиси ҳадисни келтириб.

## КОРОНАВИРУС ЎЗБЕКИСТОНГА КИРИБ КЕЛГАНМИ?

### Соғлиқни сақлаш вазирлиги буни рад этди

**Ижтимоий тармоқларда коронавирус инфекцияси мамлакатимизга кириб келгани ҳақида асосланмаган хабарлар тарқалмоқда. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ушбу хабарларни расман рад этди.**

Вазирликнинг жамоатчилик билан алоқалар бўлими хизмати томонидан билдирилишича, хабарлар мутлақо ёлғон бўлиб, айни пайтга қадар юртимизда коронавирус касаллиги умуман қайд этилмади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасига юқумли касалликлар, жумладан, COVID-19 коронавирус инфекцияси кириб келишининг олдини олиш мақсадида давлат чегараларидаги мавжуд 53 та санитария-карантин пунктларида қатъий назорат ўрнатилган. Ушбу пунктлар замонавий тиббий жиҳозлар билан тўлиқ таъминланган.

Аҳоли ўртасида коронавирус инфекцияси бўйича эпидемиологик барқарорликни таъминлашга йўналтирилган барча профилактик ва эпидемияга қарши назорат тадбирлари Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан халқаро тиббий санитария талаблари асосида амалга оширилмоқда. Бу борада Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ҳамда маҳаллий мутасадди вазирлик ва идоралар билан ҳам ҳамкорикда тизимли фаолият олиб борилмоқда.

Афсуски, юқоридаги каби ёлғон хабарлар аҳолининг саросимага тушишига сабаб бўлмоқда.

**Соғлиқни сақлаш вазирлиги аҳолидан коронавирус инфекцияси билан боғлиқ вазиятдан хавотирга тушмасликларини, агар ушбу ҳолат билан боғлиқ саволлар бўлса, вазирлик ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлигининг**

**(71) 276-46-65,**
**(71) 276-49-66**

**телефон рақамларига мурожаат қилишларини сўрайди.**

# ФАРЗАНДЛАРНИ ТЕНГ КЎРИНГ



**Ота-оналар бир нарсани ҳамиша эсда тутишлари керак: сиз фарзандларингизга бир хилда муомала қилинг. Улар орасини ажратманг, бирини иккинчисидан устун қўйманг, барчасини тенг кўринг. Чунки фарзандларга турлича муносабатда бўлиш улар орасига ҳасад (ғайрлик) уруғини сочади.**

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам фарзандларга бирдек муомала қилишга чақирганлар, унисига бошқача, бунисига бошқача муносабатда бўлишдан қайтарганлар.

Яҳё ибн Абу Касирдан ривоят қилинишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Совға беришда фарзандларни тенг кўринг! Агар биронтасини афзал кўришинг керак бўлса, қизларни ўғил болалардан афзал кўрасан", деганлар (Саид ибн Мансур ривоят қилган).

Яъни, агар фарзандингизга совға-салом ёки бирон ҳадя берсангиз, уларни ўғил ёки қиз, катта ёки кичикка ажратмасдан, ҳаммасини бирдек кўринг, ўрталарида адолат билан тақсимлаб беринг. Агар фарзандлардан бирини иккинчисидан афзал кўриш лозим бўлса, у ҳолда биринчи қизлардан бошланади, кейин ўғил болаларга берилади.

Ислом шариатида қиз болаларнинг ҳурматини жойига қўйиш, уларни эъзозлаш ҳақида алоҳида кўрсатмалар келган. Қиз фарзанд туғилганда хурсанд бўлиш, совғани аввал қизлардан бошлаш, уч нафар қизни имонли-эътиқодли, одобли қилиб тарбиялаша, жаннатий бўлиш ҳақидаги ҳадиси шарифлар фикримиз исботидир.

Жоҳилият даврида қиз болалар ҳурмати топталган, уларга керакмас бир буюмдек қаралган, ҳатто қиз кўрганидан ор қиладиган "ота"лар фарзандини тириклайин кўмишгача борган, қиз фарзанд кўргани ҳақида эшитганида тепа сочи тикка бўлган. Мана шу жоҳилий одатга барҳам бериш мақсадида Ислом динида қизларга, умуман аёллар ҳақ-ҳуқуқларига алоҳида эътибор билан қаралади, уларни камситмаслик, ерга урмаслик таъкидланади. Совға олиб келганда биринчи қизларга бериш ҳақидаги кўрсатма ҳам Исломда қиз фарзанднинг ўрни нечоғли катта эканини билдиради.

Омирдан ривоят қилинишича, у Нуъмон ибн Башир розияллоҳу анҳу минбарда туриб шундай деганини эшитган экан: "Отам менга бир ҳадя қилди. Шунда (онам) Амра бинти Равоҳа: "Сен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни гувоҳ қилиб келтирмагунингча рози эмасман", деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам келганларида, (отам) деди: "Мен Амра бинти Равоҳадан (туғилган) ўғлимга бир ҳадя қилдим. Аёлим унга сизни гувоҳ қилишимни сўради, эй Расулуллоҳ!" деди. Шунда Пайғамбар алайҳиссалом: "Қолган фарзандларингга ҳам шундай ҳадя бердингми?" деб сўрадилар. У: "Йўқ", деди. Шунда у зот: "Аллоҳдан қўрқинглар, фарзандларингиз орасида адолат қилинглар!" деб таъкидладилар. Шунда отам қайтиб келиб, ҳадясини қайтариб олди" (Бухорий ривоят қилган).

Бу ерда Нуъмон ибн Башир розияллоҳу анҳунинг отаси фарзандларини тенг кўрмаганини билган Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга: "Аллоҳдан қўрқинглар, фарзандларингиз орасида адолат қилинглар", деб таъкидлаганлари айтилмоқда.

Шу нуқтаи назардан фарзандлар орасини ажратиш, уларни тенг кўрмаслик улар орасидаги аҳилликка катта зиён етказади. Бундай қилиш фарзандлар ўртасида ҳасад, адоват ва нафратни пайдо қилади. Зеро, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам бизни бу ишдан қайтарган. Мусулмон банда учун Расулуллоҳнинг "Бундай қилма!" деган сўзлари етарли бўлади. Ортиқча изоҳга ҳожат йўқ.

**Одилхон ЮНУСХОН ўғли**

ТАЖРИБА

# «ДАРСНИ ЎЙИН ТАРЗИДА ОЛИБ БОРАМИЗ»

## ёхуд инглиз тили дарсида тил кўникмаларининг аҳамияти

**Инглиз тили халқаро тилга айланди. У ҳатто ўз она тили саналмаган давлатларда ҳам кенг истеъмолда бўляпти. Айниқса, ҳозирда мазкур халқаро тил кўплаб соҳаларда муҳим аҳамият касб этяпти. Жумладан, тиббиёт, муҳандислик, таълим, бизнес, информацион технологиялар, банк-молия ва бошқа соҳалар фаолиятини хорижий тил алоқа воситасисиз тасаввур қилиш қийин. Шу сабабли бугунги кунда инглиз тили дунёнинг кўплаб мамлакатларида иккинчи тил мавқеини эгаллаб бормоқда.**



### Нутқ маҳорати

Тил бу алоқа воситасидир. Биз бошқалар билан мулоқот қиламиз, ўз фикрларимизни билдирамиз ва бошқаларнинг фикрларини ҳам биламиз. Шу сабабли ҳар қандай тилни ўрганувчилар учун нутқ маҳоратининг аҳамияти беқиёс. Нутқсиз тил шунчаки ёзув сифатида ишлатилади ва истеъмол доираси камайиб боради.

Бошқалар билан гаплашганда биз ўзимизни яхшироқ англаймиз. Роберт Фрост бир пайтлар айтганидек: "Мен ўтмиш ҳақида китоблар битувчи адибман, тушуниш учун суҳбатлашаман, ўрганиш учун ўргатаман".

### Кўникма ҳосил қилиш

Ўқитувчи ўз ўқувчиларида коммуникатив компетенцияни ривожлантиришга қаратилган машғулотларни ўтказади. Ушбу машғулотлар билан боғлиқ кўрсатмалар инглиз тилида ўтилади. Булар қуйидагилар:

1. Асл, ҳақиқий материаллардан фойдаланиш.

Бунда ўқитувчи ўқувчиларига асл материалларни тақдим этади. Газета ушбу турдаги материалларнинг энг яхши шаклларидан бири бўлиши мумкин. Унда ҳақиқатга асосланган мақолалар, воқеалар мавжуд. Газета ўқиш уларга тил ўрганиш имкониятини беради, чунки у ҳақиқий нутқ парчасидир.

2. Қисқартирилган жумлалар

Ўқитувчи ўқувчиларга қисқартирилган жумлалар билан қисқа ҳикоя беради. Ўқувчилардан уларни очиб бериш сўралади. Жумлаларни тўғри кетма-кетликда жойлаштириш, уларга тил тўғрисида аниқ тушунча беради. Бундай машғулотлар орқали ҳар бир ўқувчи ўзининг нутқ жараёнидаги имкониятлари ва камчиликларини билиб олади.

### Тил ўйини

Ўқитувчи синф ўқувчиларини икки гуруҳга ажратади. Уларни шартли равишда "А" ва "Б" гуруҳлар тарзида номлаш мумкин. Ҳар икки гуруҳга ўқувчилар учун эътиборли бирон мавзу берилади. Гуруҳ ўқувчилари ўзларига берилган мавзу юзасидан кичик оғзаки матн тайёрлаб, уни нариги гуруҳ ўқувчиларига тушунтириб беришлари керак. Бунда гуруҳнинг ҳар бир аъзоси мавзунинг изчил давомийлигини таъминлаши ва мазмун-моҳиятини қисқача ифодалаб бериши талаб этилади. Оғзаки маълумотлар етказилганидан сўнг нариги гуруҳ ўқувчиларида мавзу юзасидан пайдо бўлган саволларга ҳам мавзуни ёритган ўқувчилар жавоб беришлари лозим.

Ҳар икки гуруҳнинг нутқи ва савол-жавоблардан сўнг гуруҳлар бир-бирларининг тақдимлари ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдиришади.

Ушбу ўйин ўқувчиларга кенг доирадаги сўз бирикмаларидан фойдаланишга имкон беради.

### Роль ўйини

Ушбу усулда ўрганувчиларнинг роли ҳамкасб вазифасини бажаради. Ўқитувчи ўқувчиларни турли гуруҳларга ажратади.

Ҳар бир гуруҳда икки ўқувчи иккита турли роллар учун танланади. Қолган ўқувчилар ўзгаларининг чиқишларини томоша қилишади ва суҳбатларни тинглашади. Кейинчалик томошабин ўқувчилар ўз фикрларини билдирадилар.

Бундай ўйин тарзидаги дарслар ўқувчиларда нафақат ўзаро муносабатларни яхшилашга ёрдам беради, балки улар биргаликда ишлаш кўникмасига ҳам одатланиб боришади.

Агар ўқувчиларга синфдошлари томонидан ўзаро мулоҳаза билдирилса, улар ишончни йўқотмайдилар, аксинча, улар кўпроқ ишлаш ва кўпроқ ўрганишга интиладилар.

Ўқувчиларга турли касблар, масалан: шифокор-бемор, ўқитувчи-ўқувчи, ота-она-ўқитувчи (мактаб йиғилишида), раҳбар ва ходимлар йиғилишида ролларни белгилаш мумкин.

Ҳар бир ўқитувчи ўқувчиларини гапирганда тинглаши ва нутқи тугаганидан кейин хатоларини хушмуомалалик билан тузатиши лозим. Агар ўқитувчи дарсларда шундай интерфаол методлардан унумли фойдаланса, ўқувчиларнинг тил ўрганишига бўлган қизиқишлари янада ортиб бораверади.

**Мадина НИЁЗМЕТОВА,**
*Хоразм вилояти Урганч шаҳридаги 16-мактабнинг инглиз тили ўқитувчиси*

## ИЖТИМОИЙ ТАРМОҚЛАР ОРАЛАБ...

Шароф Бошбеков

### «Буви»

Касалхонада эдим. У-бу нарса кўтариб хотиним келди. Олиб келган нарсаларини едириб-ичириб, «болалар ёлғиз» деб, шошиб чиқиб кетди.

– Онангизмилар? – сўради ҳамхонам.

Жаҳлим чиқиб кетди. Ие, эси борми бу одамнинг! Қитмирлигим тутиб бир «Йўқ, онам эмас, бувим!» демоқчи ҳам бўлдим-у, балки аёлим бош-оёқ оппоқ хижобда бўлгани учун унга шундай туюлгандир деган ўйга бориб, «ўйин»ни давом эттирдим:

– Қаёқдан билдингиз?

– Фақат оналаргина ўз фарзандига шунақа куйиб-пишиб, гирдикапалак бўлишади.

Бирдан жаҳлдан тушдим ва аёлим билан фахрланган кўйи кўзларимда ёш айланди...

**Шароф БОШБЕКОВ**

Qishloqlik O'qituvchi
19:18 ·

### Тенг тенги билан... эмас

Энам мени жуда яхши кўрар эди. «Менинг балам қишлағнинг доно, кўркам жигити. Оқ куйлак, галастуклари бирам жарашади-ей, энагинанг ўргилсин. Олий маълумотли малим. Ҳамма ҳурмат килади уни...»

Соддагинам энам-а...

Уч-тўрт болачаларнинг ҳурмат қилгани нима бўларди. Оддий малимни кўнглидан бошқа нимаси бор?!

Кўнгилнинг эса ҳеч кимга кераги йўқ.

Эна, эсингиздами? Ҳа Лим малимнинг қизига совчиликка борганингизда, «Ўғлингиз яхши бола, лекин ўзим малимлик қилганман, биламан. Мен қийналдим, битта велосипед ҳам ололмадим. Энди қизим қийналмасин», деб қизини Со Бир тажангнинг 5 йил Кореяда ишлаб келган ўғлига узатгани...

Ёки тўйларга борсам, менга меҳмонлар ўтирган уйнинг пойгагидан жой тегишини...

Кўнгил... Бечора Энам инсонларга моддийлик зарурлигини, пул бўлса ҳамма нарсани сотиб олиш мумкинлигини қайдан ҳам билсин...

Индамадим...

**«Qishloqlik o'qituvchi»** саҳифасидан олинди.

Sundar Qoraboyev
11:37 ·

### Боланинг орзуси



– Ишларинг қалай, зўрми?..

– Беш, ҳаммаси беш!..

– Исминг нима?

– Ўзбек!..

– Исмингни айт, отинг нима ўғлим?

– Ўззз-бек!

– Эй, яшшавор полвон! Катта бўлсанг ким бўласан?

– Дадамга ўхшаб Питерга кетаман!..

– А?! Ие, нимага? Нега?..

– Кўў-ўп пул опкеламан!..

Бошқа савол беролмадим!..

**Сундар ҚОРАБОЕВ**



# Баҳор қалбингизга муштоқ бу кўнглим

Неча кундирки, қалбим хавотирда, ўйларим, хаёлларим ўз манзилини тополмай сарсон, туғёнларим вулқон сингари отилиб, вужудимни вайрон қиламан, дейди. Хаёлларимга кенг кўчаларнинг кенгликлари бекор, ўйларимга осмонўпар биноларнинг осмон қадар улуғворлиги на даркор... Шаҳарнинг ширинсухан инсонларининг меҳри ҳам дардимга дармон бўла олмайди, ўйларимни барглар шивири-ю, дарахтлар рақси, қушлар парвози-ю уфқнинг кенгликлари сокинлик томон элтолмайди... агар ёнимда сиз бўлмасангиз, онажон.

Ҳамон эсимда... «Ҳали ўқишга кетсам, мени хўп соғинасизлар» деганларим ҳазил аралаш. Энди сизнинг чеҳрангизни, дадамнинг нигоҳини, укамнинг ҳазили-ю синглимнинг қўнғироқдек овозини соғиниб ўртанётганимни инкор қила олмайман. Соғинч деганлари ёмон бўларкан, аслида. Худдики бепоён саҳрода сувга муҳтож юргандек сезаман ўзимни, бироқ чанқоғимни ҳеч нарса боса олмайди. Ҳар дақиқа сизнинг меҳрингизга, далдангизга, ишончингизга чанқоқман, онажон. Бир кунда нечи бор қўнғироқ қилсам ҳам, «Хабар олмайсан ҳам мундоқ, бизни эсингдан чиқаряпсанми, нима» дейсиз ҳазил билан. Эътибор, меҳрга муштоқ менинг кўнглимга ўхшаш кўнгил ахир сизда ҳам бор-ку. Нега шу ёдимдан кўтарилди? Сиз берган меҳрнинг лоақал бир заррасини сизга бера оляпманми? Ўйлаб қоламан...нақадар нотавонман-а... аразингизга жавобан «Ўқишим кўп-да... ишда эдим...» дея жавоб бераман, худдики дунёнинг бор ташвиши менинг бошимга тушгандай.

Ўзимнинг қалинроқ кийинишим, иссиқ кийимларим бор-йўқлигини ҳисоб-китоб қиламан-у, сиз қандай кийингансиз, қўлингиз совқотмияптими, устингиздаги кийимингиз эски эмасми, дея ўйлаб кўрмайман ҳам. Эрталабдан қўнғироқ қиласиз: «Бошингга шапка кий, устингни қалинроқ қилгин, этигингдан сув ўтмайдими? Ойлик олсак, пул жўнатамиз, янгисини оласан...» яна мен... мен... ая, оёғингиздаги этикни олганингизга неча йил бўлди? Уч йил... балки ундан ҳам кўп. Бўйнингизга ўраб юрадиган шарфингиз... айтганча, уни ўтган йил «шамоллаб қолма» деб менга бериб юборган эдингиз-ку. Лекин сиз шамолласангиз, майлими? Биз бемор бўлсак, тунлар мижжа қоқмай, бошимизда парвона бўладиган сиз бор, ахир. Сиз оғриб қолсангиз, биз дардингизга дармон бўла оламизми..? Сиз бизга берган меҳрни, биз сизга қайтиб берооламизми?!

Ота-онам бағрида ўтган беғубор болалигим қанчалар бебаҳо бўлганини, сизлардан узоқлашган кунимдан бошлаб, ҳаётнинг жамики аччиқ-чучугини татишга, яхши-ю ёмонини кўришга маҳкум этилганимни энди англаяпман. Менинг муз қотган юрагимни фақатгина баҳор эрита олади. Қишдан кейинги баҳор эмас, сизнинг қайноқ бағрингизда гул отган баҳор... Сизнинг тафтингиз қалбимга ором бера олади, сизнинг сочларим силаган меҳрли қўлларингиз бегона хаёлларимни арита олади. Шунчаки, сизнинг суҳбатингизга муштоқман.

Соғинч тўла нигоҳларингизни кўришга интизор қизингиз.

**Маҳфуза ПЎЛАТОВА**

## ЖАВОҲИР



Фахриддин ХАЙИТ

### БАҲОР

*Эсанкирар еллар телбавор,*
*Ошиқ каби тошар юраги.*
*Ё висолга талпинган дилдор*
*Қидиради ҳарир кўйлагин.*

*Бу ораста еллар – қадрдон,*
*Супуради ердан ғуборни.*
*Сўнг покиза остоналардан*
*Бошлаб кирар сулув баҳорни.*

## ИНТЕЛЛЕКТ

### Ҳаётда асардагидан нега тескари?

Лев Толстой маиший турмушга бағишланган барча асарлар – роман бўладими, қисса-ю афсона бўладими – воқеалар ривожланиб бориб, у билан тугайди. Ҳаётда эса аксинча, ҳамма воқеалар ундан кейин бошланади, деган. Толстой нимани назарда тутган?

**Жавоблар келгуси ҳафтанинг сешанба куни соат 15:00 гача қабул қилинади.**
**Электрон манзил:** info@od-press.uz
**Телефон:** 0 (371) 234-91-82
**Telegram:** (+99897) 444-80-84

## ПАЗАНДАЛИК

### «ЭКЛЕР» ПИРОЖНИЙСИ



**Масаллиқлар:**

- 200 мл. сут ёки сув;
- 100 гр. сариёғ;
- 3 та тухум;
- 800 гр. ун;
- бир чимдим туз.

**Тайёрланиши:** Сариёғ майда бўлакланиб, сутга солинади, тузи ростланади ва оловга қўйиб қайнатилади. Қайнаб чиққан заҳоти олов пасайтирилади, ун солинади ва тез-тез аралаштириб турилади. Оловдан олингандан кейин совитилади. Массага битта-биттадан тухум чақилади ва бир хил масса ҳосил бўлгунча аралаштириб турилади. Хамир насадка ёрдамида патнисга чиқарилади. Ўртадан баландроқ оловда, дастлаб 20 дақиқа давомида, олов пасайтирилгандан сўнг 10-20 дақиқада пишириб олинади. Пишиб чиққач, ичи насадка ёрдамида қаймоқли крем ёки қуюлтирилган сут билан тўлдирилади. Хоҳишимизга қараб, устига суюқ шоколад билан безак бериш мумкин.

**Ёқимли иштаҳа!**

## БИЛАСИЗМИ?

- Баъзида сиз ухлаётганингизда миянгиз уйғоқ пайтингиздан ҳам фаолроқ бўлади;
- Катталардаги қон томирлари Ер экваторини тўрт марта айланиб чиқиши мумкин;
- Одам ҳар йили тахминан 4 кг. тери ҳужайраларини йўқотади;
- Кичкинтойлар камида бир ойлик бўлгунларигача кўз ёш тўкмайдилар;
- Чап ўпкангиз ўнг томондагисидан 10 фоизга кичикроқ;
- Одам тишлари худди акула тишлари каби кучли.



# "ДИРЕКТОР"

Жўравой дўстларимизнинг ичида энг ақллиси, уддабурони, чиройли, сипо кийиниши билан ҳаммани лол қолдирувчи танти йигитлардан. Ташқаридан қараган одам уни бирон бир мансабдор киши деб ўйлайди, аммо ўзи оддий ўзимиз қатори. Қўлидан келмайдиган иш йўқ — ғишт теришми, лой сувоқми... ҳаммасига уқуви келишади. Гоҳ-гоҳида бўёқчилик ҳам қилиб туради, аммо кийимини доимо тоза тутади. Челаклаб лой қатнаса ҳам, қўлига андава олиб сувоқ қилса ҳам, устига бир томчи лой юқтирмайди. Ишга чиқаётганда ҳам уст-бошига бир қараб олади. Сочларини текис қилиб тараб, пўрим кийинади. Шунинг учун ҳам унга дўстлари "директор" деб лақаб қўйишган. Бу лақаб унинг ўзига ҳам сариёғдек ёқади. "Директор" дейишганида баттар гердайиб ғоз юриш қилиб қўяди. Баъзида худди директорларга ўхшатиб фармонлар ҳам бериб туради. Ҳатто телефонимизга ҳам унинг рақамини "Директор" деб сақлаб қўйганмиз. Шушу, маҳаллада Жўравой "директор"ни ҳамма билади.

Бир куни дўстлар билан Тошкентга — ишга кетадиган бўлиб қолдик. Жўравой ҳам бизга қўшилди. Ғишт заводида ишлаяпмиз, иш оғир, бир пасга бўлса ҳам тиним йўқ. Аммо ойлиги нақд. Ишга келганимизнинг иккинчи ҳафтаси, дўстларимиздан биттаси:

— Бугун бир чарчоғимизни ёзмаймизми? Ҳув анави ерда чиройли кафе бор экан. Пулимиз бўлса бор. Бир отамлашиб, мазза қилиб қайтайлик, бир келибмиз-да Тошкентига, — деб қолди.

Икки дўстимиз рози бўлди. Мен ва Жўравой чарчаганимизни баҳона қилиб, хонада қолдик.

Вақт алламаҳал бўлса-да, ҳалиги кетган дўстларимиздан дарак йўқ. Хавотир ола бошлаган кезларимизда Жўравойга телефон бўлиб қолди.

— Алло, сиз директормисиз?..

Воқеа асли мана бундай бўлган экан.

Улар кафега бориб чиройли ўтириш қилишган. Кайфи ошгач, тўполон кўтаришган. Кафенинг каттаси дарҳол милицияга қўнғироқ қилган. Дўстларимизнинг учаласини ҳам идорага олиб кетишган. Уларни сўроқ қилиб ўтиришганида милиционерлардан биттаси уларнинг қўл телефонини олиб, кўздан кечираётиб, бехосдан кўзи "директор" деб сақланган рақамга тушиб қолади.

— Мана, буларни директорининг телефон рақами бор экан. Ҳозир директорларингга қўнғироқ қиламан, сенларни роса таъзирингни беради, — дейди ва "директор"га телефон қилади.

— Алло, алло, сиз директормисиз?

— Ҳа, директорман, — деб жавоб бераркан, Жўравой ҳам ҳайрон бўлиб менга елка қисиб қўйди.

— Мен ички ишлардан капитан фалончиевман, сизни ишчиларингиздан уч нафари бизга тушиб қолди, ака.

Мен ҳам Жўравойнинг телефонига қулоғимни тутиб турибман. Вазиятни англаган Жўравой ўзини йўқотиб қўймай овозини ўзгартириброқ жавоб берди.

— Уларнинг гуноҳи нима экан, ўртоқ бошлиқ?

— Ичиб олиб тўполон қилишган, жамоат тартибини бузишган, — деб нариги томондан жавоб бўлди.

— Вой ярамаслар-эй, мен уларга ҳали ичишни кўрсатиб қўяман ҳали! Агар келишса, паттасини қўлига тутқазиб, ҳайдавораман, — деди Жўравой ғазаб отига минган киши бўлиб. Кейин мулойим оҳангда гапиришга ўтди: — Командир ака, сиздан илтимос, менинг ишчиларимни гуноҳидан ўтинг. Бизда ҳам қолиб кетмас яхшиликларингиз, хизматингиздамиз, ака.

Жўравойнинг ҳар бир оғиз сўзида "ака"лаб туриши нариги томондагиларга ёқиб қолди.

— Майли, уларни келиб олиб кетинг унда. Учаласи ҳам чала ўлик, роса букишган, юришга ҳоллари йўқ.

Жўравой ҳайрон бўлиб, менга "нима қилай?" дегандай имлади. Мен "йўқ" дегандай бош ирғадим.

— Командир, энди узр, бир жойда ўтирган эдим. Савоб қилсангиз охиригача қилинг, ака, уларни ўзингиз машинада ташлаб қўйинг, илтимос. Эртага ўзим хабарингизни оламан, — деди дабдурустдан ҳайиқмай.

— Хўп ака, йўлимиз ҳам ўзи ўша ёққа эди. — Қани турларинг, мининглар машинага, директорларингни ҳурмати учун қўйворяпман. Агар яна бир марта ичиб олиб тўполон қилсанглар, қамайман!

Шу пайт уларнинг ичидан биттаси секин кулворган экан.

— Нимага куласан?! Директоринг таъзирингни беради ҳали борсаларинг.

Биз Жўравой билан бинонинг орқасида уларни кутиб турибмиз. Шу пайт машина келиб завод олдида тўхтади. Учаласи ҳам гандираклаб ётоқхона томон кела бошлади. Машина қайтиб кетгач, Жўравой билан уларга пешвоз чиқдик.

Учаласи ҳам кела солиб Жўравойни қучоқлаб олишди.

— "Директор" бува, бизни кечиринг, — деди ҳатто биттаси ҳазил аралаш кўзига ёш олиб. — Сен бўлмаганингда бизни нақ ўн беш суткага кесиб юборишарди.

— Ҳмм, кўрдингларми, менинг обрўйимни! Мени ҳатто пойтахтда ҳам ҳурмат қилишади, — деб қўйди баттар гердайиб Жўравой.

**Болтабой Муҳаммад ҚУРБОН**



**Икки дугона суҳбатидан:**

— Йигитим билан тўй кунимизни ҳеч келиша олмаяпмиз.

— Нега? Шунчалик қийин эканми?

— Ҳа... Мен баҳорда тўй қилайлик, масалан, 30 мартда, десам, у 30 февралда тўй қиламиз, дегани деган.

* * *

**Аёл ажрим комиссияси ходимига эридан арз қиляпти:**

— Эримдан тўйдим, ажрашаман.

— Ажрашишга бирор сабаб кўрсата оласизми?

— Эрим дангаса, ялқов, ҳеч қаерда ишламайди. Менинг топган пулимга кун кўради, алкаш.

— Эрингизни шунақалигини билиб, нега турмушга чиққансиз?

— Аҳмоқ, бефаҳм эканман!

— Кўрдингизми, аҳмоқ бўлсангиз ҳам сизни хотинликка олибди. Демак, эрингиз яхши одам.

* * *

— **Чарчадим! Эртадан кечгача ишлаймиз, тиним йўқ. Қўямиз — туширамиз, қўямиз — туширамиз.**

— Ҳаа, қийин экан. Ўзи нима қўясизлар?

— Пахта.

— Нима туширасизлар?

— Қовун.

* * *

Қишлоққа янги келин тушибди. Келин ҳар куни қудуқдан сув олиб келишда битта шўх йигит ҳуштак чаларкан. Келин қайнонасига бу ҳолни айтса, қайнонаси қошини қоқиб, уйга бошлаб келишини айтибди.

Эртаси куни келин ортидан йигит келибди, йигитни ушлаб олган қайнота ва қайнона эрталабгача ун тегирмонида эшак ўрнида ишлатишибди.

Кейинги куни келин ўтиб кетаётиб ҳуштак чалиб қошини қоқса, йигит:

— Ҳа, уняринг тугадими? — дермиш.

* * *

**Тезюрар поезд. Йўл кузатувчиси ҳар бир купега кириб илтифот билан мурожат қиляпти:**

— Чет элликлар борми?

Барча купеларда "йўқ" деб жавоб беришибди.

Кузатувчи йўлакка чиқиб бақирди:

— Тешавой! Иситиш тизимини ўчиравер! Ҳаммаси ўзимизникилар экан!

* * *

**Бир ўзбек Францияга борибди. Эйфель минорасига қараб турса, француз йигит ўтиб кетаётган экан. Уни тўхтатиб сўрабди:**

— Бу минорани қанча вақтда қуришган?

— Бир ойда, — дебди француз.

Ўзбек "бу йигит мени алдади", деб ўйлаб унга ишонмабди.

Кейин ўша француз Ўзбекистонга келибди. У Регистонга келиб, ҳалиги ўзбекни учратибди ва ундан сўрабди:

— Бу иморатларни қанча вақтда қуришган? — деса,

— Ҳозир келаётганимда йўғиди, — дермиш ўзбек.

* * *

**Бир аёл шаҳарни ўртасидаги пиёдалар йўлакчасидан сигир етаклаб кетаётса, милиция ходими уни тўхтатиб дебди:**

— Ҳурматли фуқаро! Бу йўлак фақат пиёдалар юриши учун мўлжалланган.

Аёл бир сигирга, бир милициянерга қараб:

— Сигирим велосипед ҳайдаб кетаётгани йўқ! Пиёда кетяпти, — деган экан.

UZTELECOM

# «Ўзбектелеком» АК Тошкент шаҳар телефон тармоғи филиали жамоаси

Мунис ва дилбар аёлларимизни, барча хотин-қизларни

8 Март — гўзаллик ва нафосат айёми билан самимий муборакбод этади!



Баҳор элчиси бўлган байрам барчангизга қутлуғ бўлсин! Сизларга сиҳат-саломатлик, бахт-омад, хонадонингизга файзу барака тилаймиз!

Хизматлар лицензияланган.

OILA DAVRASIDA
Mustahkam oila — yurt tayanchi
Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

«Оила даврасида» газетаси таҳририяти» масъулияти чекланган жамияти

**МУАССИСЛАР:**
Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши;
Ўзбекистон ёшлар иттифоқи марказий кенгаши;
«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси;
«Ўзбекистон почтаси» акциядорлик жамияти;
«Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси;
Акциядорлик тижорат «Алоқабанк».

**Бош муҳаррир**
**Ҳусниддин БЕРДИЕВ**

**Таҳририят манзили:**
Тошкент шаҳри, 100000. Амир Темур 1-тор кўчаси, 2-уй.
Тел/факс: 234-83-45. E-mail: info@od-press.uz

Газета таҳририят компьютерида терилди ва саҳифаланди.

Газетада интернет материалларидан ҳам фойдаланилган.
Газета 2012 йил 20 апрелда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0814-рақам билан рўйхатга олинган.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

**Буюртма:** Г-337
**ISSN 2181-6190** **Обуна индекси** – 193
**Адади:** 2 000 нусха.
**Нархи:** келишув асосида.
**Қоғоз бичими** А-3, ҳажми 4 босма табоқ.
Офсет усулида босилган.

Чоп этишга топширилди: 22:00

ISSN 2181-6190
12345